



Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ * مەرىفەت

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 19 октябрь, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 83 (7486)

18 октябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннан расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Таъкидламоқ керакки, бу жаҳондаги энг нуфузли халқаро ташкилот раҳбарининг мамлакатимизга ва умуман Марказий Осиё давлатларига илк бор қадам ранжида қилиши. Шу жиҳатдан ҳам ташрифни тарихий воқеа сифатида баҳолаш мумкин.

«Дўрмон» қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан БМТ Бош котиби Кофи Аннан ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, бу Ўзбекистон ва умуман минтақамиздаги вазият билан яқиндан танишиш, долзарб муаммолар юзасидан бафуржа фикр алмашиш учун яхши имконият эканлигини таъкидлади.

Музокара яқунларига бағишланган матбуот анжуманида Ислам Каримов суҳбат очик ва самимий руҳда ўтга-



ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Бирлашган МиллатларТашкилоти (БМТ) Бош котиби Кофи Аннан раҳбарлигидаги делегация 18 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида бўлди.

Ўзбекистон БМТ ҳамда унинг барча институтлари билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор, - деди жумладан, Олий Мажлис раиси Эркин Халилов юксак меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан. - Ўзбекистонда БМТнинг кўплаб ташкилотлари ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Сизнинг раҳбарлигингизда мазкур халқаро ташкилотда амалга оширилаётган тузилмавий ислохотлар БМТнинг обрўсини янада оширишга хизмат қилади.

БМТнинг минтақамизга эътибори йилдан-йилга ортиб бораётгани ҳам таҳсинга сазовордир.

Пойтахтингиз Тошкентни кўриб, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида БМТга аъзо бўлгандан кейин қай даражада тараққий этганига гувоҳ бўлдик, - деди ушбу ташкилот Бош котиби Кофи Аннан. - Бу ўзгаришлар мамлакатингизда мустақам тинчлик ва барқарорлик ҳукм сураётганига яққол далилдир. БМТ Ўзбекистоннинг минтақада ва сайёрамизда тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш йўлида олиб бораётган ташқи сиёсатини ва бу борада халқаро ҳамжамият билан фаол ҳамкорлигини қўллаб-қувватлайди.

Суҳбат чоғида меҳмонга Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, Парламентимиз фаолияти, хусусан, инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берилди. Келгусида бу борада БМТ билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва томонларни қизқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

Абдувоҳид Тўраев
(ЎЗА) олган сурат.

(ЎЗА)

БМТ БОШ КОТИБИНИНГ ТАШРИФИ

нини, томонлар кўплаб масалалар юзасидан фикрлашганини маълум қилди.

Мулоқотимиз давомида эътибор қаратилмаган масала қолмади ҳисоб, - деди Президент. - Террорчиликка қарши кураш, минтақавий хавфсизлик, Орол муаммоси, тараққиёт масалалари, Ўзбекистон-БМТ муносабатлари теран таҳлил этилди. Биз Кофи Аннани нафақат БМТ Бош котиби сифатидаги расмий шахс, балки Нобельнинг Тинчлик мукофотида сазовор бўлган йирик сиёсий ва ижтимоий арбоб сифатида ҳам ҳурмат қиламиз. У билан суҳбат давомида БМТ Ўзбекистон ва Марказий Осиёга оид масалалар билан жиддий шуғулланаётганига амин бўлдим.

Кофи Аннан мулоқот давомида минтақамиздаги сув захираларидан унумли фойдаланиш, давлат бошқаруви, инсон ҳуқуқлари каби соҳалар бўйича ҳам кенг қўламда фикр алмашилганини маълум қилди. Ўзбекистон-БМТ муно-

сабатлари шиддат билан ривожланаётганидан мамнуиятини изҳор этиб, келгусида бу алоқалар янада ривожланишига умид билдирди.

Ўтиш даври - мураккаб давр, - деди БМТ Бош котиби. - Марказий Осиё бўйлаб сафарим давомида минтақанинг барча мамлакатларига бориб, мавжуд вазият билан яқиндан танишиш, давлат раҳбарларининг фикрларини ўрганиш имконияти туғилганидан мамнунман. Шунингдек, шонли тарихга эга бўлган Ўзбекистоннинг қадимий Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат этиш чоғида мамлакатингиз билан, халқингиз билан янада яқинроқ танишаман, деган умиддаман.

Матбуот анжуманида Ўзбекистоннинг БМТни ислоҳ қилиш борасидаги ташаббуслари ҳаётда қай даражада ўз аксини топаётгани борасидаги саволга Президент Ислам Каримов куйидагича жавоб қайтарди:

— БМТни ислоҳ қилишга,

албатта, эҳтиёж катта. Ташкилот ярим аср аввал тузилган. ҳозир эса воқеълик, муаммолар, дунёнинг сиёсий ва иқтисодий харитаси, умуман, вазият тамомила бошқача. БМТ уларга мослашиши, ҳар бир масалага имкон қадар самарали ечим топиш учун замонавий ёндашув йўлларини излашга шай бўлиши керак.

Марказий Осиё нуқтаи назаридан олганда, биз гуманитар соҳадаги алоқалар, Оролбўйидаги вазиятни яхшилаш, наркотик моддалар контрабандаси ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш борасида БМТ билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Лекин хавфсизлик, хусусан, минтақада террор ва экстремизм таҳдиди кучайишининг олдини олиш борасидаги ҳамкорлик самара бермади. БМТ хавфсизлик кенгашининг Афғонистонда «Толибон» ҳукмронлик қилган вақтларда толибларга нисбатан сиёсат бўйича қабул қилган резолюциялари амалда иш бермади. БМТ хавфсиз-

лик кенгаши розилиги билан АҚШ раҳбарлигидаги халқаро аксилтеррор коалицияси кўшни юртда террорчиларнинг уяларини тугатмаганида, ҳозиргача қандай вазият юзага келишини тасаввур қилиш ҳам қийин. БМТни ислоҳ этиш борасида ҳам амалий ўзгаришлар кўринмаяпти.

Кофи Аннан инсон ҳуқуқлари борасидаги ҳамкорлик мавзусига оид саволга жавоб қайтарар экан, ташкилотнинг бош вазибаларидан бири ҳам демократик институтларни қўллаб-қувватлаш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилгани, Ислам Каримов билан мулоқот чоғида бу масала атрофлича муҳокама этилганини таъкидлади.

БМТ Бош котиби Ўзбекистонга уч кунлик расмий ташрифи доирасида Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилади.

(ЎЗА)

Абдувоҳид Тўраев
(ЎЗА) олган сурат.

(ЎЗА)

| | | | | | |
|---------------------------|--|---|-----------------------------------|--|------------------------------|
| ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА: | ЎЗ ОНА ТИЛИНИ БИЛИШ ЗАРУРИЛИГИ, ИСОТ ТАЛАБ ЭТМАЙДИГАН ҲАҚИҚАТДИР 5-бет | БОЛАНИНГ МАЪЛУМОТ ТЎПЛАШ ДАВРИ 7-бет | “ДАДАШКА”НИНГ ДАККИСИ 9-бет | ГИЁҲВАНДЛИК ТУБСИЗ ҲАЛОКАТ 11-бет | НАФИС МАЖЛИСЛАР 12-бет |
|---------------------------|--|---|-----------------------------------|--|------------------------------|

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Тил байрами арафасида Навоий вилоятида "Ўзбек тили ва умуминсоний қадриятлар" мавзусидаги республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Халқ таълими вазирлиги ва Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил қилинган ушбу анжуманда республика миқозидан келган олимлар, таълим муассасалари ходимлари иштирок этишди.

Навоий шаҳридаги "Фарҳод" маданият саройида 17 октябрь куни бўлиб ўтган анжуманинг очилиш маросимида халқ таълими вазири ўринбосари Усмонали Мусаев ҳамда Навоий вилояти ҳокими муовини Д.Холиқулов кириш билан сўзи иштирок этди. Шунинг билан "Anjuman" дилар. Дан сўнг

БухДУ профессори Х.Неъматов "Истиқлол, давлат тили ва умумбашарий қадриятларнинг янги авлод мафқурасида уйғунлашуви", РТМ директори ўринбосари Б.Акрамов "Таълим ва умуминсоний қадриятлар", Навоий шаҳридаги 1-мактаб ўқитувчиси К.Раҳмонова "Ўзбек тили дарсларида миллий ғоя ва миллий мафқурани шакллантириш тажрибасидан", Зарафшон шаҳар ХТБ услубчиси М.Кўбаева "Давлат тили, умуминсоний қадриятлар, миллий онг ва миллий мафқура", мавзусида маъруза қилдилар.

Анжуман иши "Таълим рус тилларида олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилининг ўқитилиши" ҳамда "Таълим қозоқ, қирғиз, тожик, туркман ва қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилининг ўқитилиши" шўьбаларида давом этди.

18 октябрь куни семинар-кенгаш иштирокчилари Зарафшон шаҳрига ташриф буюриб, бу ердаги таълим муассасаларининг иш фаолияти ва тажрибалари билан танишишди.

Газетамизнинг кейинги сонидан ушбу анжуман ҳақидаги батафсил маълумотлар билан танишишингиз мумкин.

МУХБИРИМИЗ



Мактаб — инсонни камолотга элтувчи йўлнинг остонаси. Ана шу қутлуғ остонадан келажакка қадам қўйилади. Зеро, улғаяётган жажжи ўғил-қиз шу даргоҳда хат-савод чиқаради, хунар эгаллайди. Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 241-мактабда мана шу жиҳатига муҳим эътибор қаратилган бўлиб, ўқувчилар илм даргоҳида таҳсил олишлари билан бир қаторда турли касб сирларини ҳам мукамал эгаллайдилар.

Суратда: мактабда олиб борилаётган таълим жараёнидан лавҳалар акс этган.

Бурхон РИЗОКУЛОВ олган суратлар.



Худди шу номдаги тадбир куни кеча Республика Ёш саёхатчилар ва ўлкашунослар Марказида бўлиб ўтди.

Унда тўғарак аъзолари томонидан излаб, саёхатлар вақтида топилган, тайёрланган турли экспонатлар, юмшоқ ўйинчоқлар, гер-

маларни топганликларини, саёхатлар давомида содир бўлган қизиқарли воқеаларни сўзлаб бердилар.

Ёш саёхатчилар ва ўлкашунослар маркази кутубхонасида 2001-2002 ўқув йилида нашр этилган энг яхши дастур ва услубий қўлланмалар, методик ишлар ҳам шу куни намойиш

ЁШЛАРГА ИБРАТ

барий ва хилма-хил тошлардан ясалган коллекциялар, рефератлар, буклетлардан иборат кўргазма ташкил этилди.

Шунингдек, марказда узоқ йиллар меҳнат қилган, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган Т.Юнусов, Н.Пахриддинов, А.Штарклов каби бир қанча мураббийлар, тўғарак раҳбарлари ҳам йирилган болаларга ўз хотираларини, тўғарак аъзолари билан амалга оширган ишларини, энг ноёб топил-

етилди.

Кўргазмада Чилонзор туманидаги 138-, А.Икромов туманидаги 197-, Мирзо Улуғбек туманидаги 48-мактаблар, ТДТУ қошидаги академик лицей, Тошкент вилояти мактабларининг тўғараклари аъзолари голиб деб топилди.

Фахрийлар ҳамда голиб жамоалар эсдалик совғалари, фахрий ёрликлар билан тақдирландилар.

Ш.МАДРАХИМОВА

ИЛМИЙ-БАДИИЙ МУЛОҚОТ

Темурийлар тарихи давлат музейида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, «Маънавият ва маърифат» кенгаши, «Камолот» ва ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла», «Ўзбекмузей» жамғармалари, Мудофаа, Халқ таълими вазирликлари ҳамкорлигида «Темурийлар тарихига оид манбалар, муаммолар, мулоҳазалар» мавзусида илмий анжуман бўлиб ўтди.

Пойтахтимиз марказида Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан бунёд этилган бу муҳташам ва салобатли қошона ўтган йиллар мобайнида қанчадан-қанча хорижий меҳмонлар, мутахассислар, сайёҳлар ва мамлакатимизнинг турли жойларидан ташриф буюрган бу-

недкор халқимиз вакиллари билан иборат кўп сонли зиёратчиларнинг, айниқса, ўқувчи ва талабаларнинг темурийлар тарихидан ўзига хос сабоқ оладиган масканига, илм марказига айланди. Музейнинг тарихий осори атиқаларини замонавий экспонатларида олис ўтмишимиз, бугунги кунимиз ва буюк истиқболимиз яққол акс эттирилган.

Анжуманда таниқли тарихчи олимлар, музейшунослар ва адиблар Амир Темури ҳамда темурийлар даврини илмий жиҳатдан ўрганиши, тарғиб этиш соҳасида эришилган ютуқлар, мавжуд муаммолар борасида фикр юритди.

Хулқар СОДИҚОВА,
ЎзА мухбири

Газетамизга ҳар куни азиз муштарийларимиздан кўп рақамли мактублар келади. Уларнинг мавзуси ранг-баранг, аммо мактубларнинг аксарияти таълим фидойилари ҳақида бўлиб, ўқитувчининг ҳамкасби, устозига бағишланган дил сўзлари бизни қувонтиради.

Навоий шаҳридаги 15-мактаб ўқитувчиси Г.Ҳотамова бошланғич синф ўқитувчиси Омонкул Раҳмонов ҳақида ёзади:

— Вақт ўтган сайин инсон кўп нарсани йўқотса-да, бир ҳис — устозга ҳурмат туйғусини йўқотмайди ҳам, унутмайди ҳам. Устозим Омонкул акани шунчалар ҳурмат қилардики, кўчада кўрсак олдида ўтишга, қаттиқроқ гапиришга, югуриб кетишга ҳайқардик. Ўзим ҳам ўқитувчи бўлиб англадимки, ўқитишнинг янги усуллари устозим 1980 йиллардаёқ қўллаб, бизни ҳар бир машғулота изланишга, мустақил кўп ўқишга ундарди. Хулосам шуки, ўқитувчи меҳнатини жилдоланиб оқиб турувчи сув сингари қадрлаш керак. Зеро, сув оламни, ўқитувчи инсон қалбини яшнатади.

Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги 33-мактаб ўқитувчилари Қ.Солиев ва Г.Раҳимовалар Худойназар Раимов ҳақидаги мақолаларини "Машъала" деб номлабдилар. Худойназар ака-

УСТОЗЛАР — ШАЪНИГА ҚАСИДА ЖОИЗ, АММО...

нинг ўқувчининг ўзига ҳам ноаён қобилиятини пайқай олиши ва уни юзага чиқаришга астойдил интилиши боис унинг шогирдларидан Э.Сиддиқова, Д.Қурбонова, М.Юсупова, Ў.Холйигитовларнинг вилоят олимпиадалари ва иншолар кўрик-танловида голиб бўлганларини у кишининг ютуқлари деб билганлар.

Халқ маорифи аълочилиси Х.Раимов матбуотда ҳам фаол қатнашиб келиши, 4 фарзанди ҳам ҳаётда муносиб ўрнини топгани ҳақида сўзлаб, домланинг ҳаёт йўлини машъалага ўхшатадилар.

Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги 20-мактаб ўқитувчиси Тоҳиржон Ҳайитбоев жисмоний тарбия муаллими Акбарали Мирзаевнинг 33 йиллик фаолиятини ёритишга ҳаракат қилган:

— Мактабда ёзги ва қишки спорт майдончалари талаб даражасида жиҳозланган. Ўндан ортиқ спорт тур-

лари бўйича тўғарақлар ишлаб турибди. Акбарали ака — ташаббускор. Муаммо ечимини оқилона ҳал эта биладиган инсон. У 300 дан зиёд терак дарахти экиб, парваришлаб, ундан керакли буюмлар ясади, қолганларини бозор баҳосидан арзон нарҳда сотиб шифер олди, қишки спорт майдони устини таъмирлаш ишларига бошқош бўлди. Акбарали аканинг шогирдлари — подполковник М.Ғофуров, капитан Ў.Тожибоев, вилоят ИИБ махсус

гуруҳ ходимлари Б.Жумабоев, А.Аҳмадохунов, А.Исмоиловлар ҳарбий соҳада ўз фаолиятларини давом эттирмакдалар.

Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 3-мактаб ўқитувчиси Зулфия Салимова ҳамкасби Зухро Қурбонвани кўёшга ўхшайдиган ўқитувчилар сирасига киритади: — Ёзувчи Ўткир Ҳошимов ўқитувчиларни Ойга ва Кўёшга ўхшатади. Сабаби, ой зулматни ёритади, лекин иссиқлик бермайди, яъни ой, ўқитувчилар билимли бўлади, аммо билимини ўқувчиларга ётказмакда олмайди. Кўёш эса ҳам ёритади, ҳам иситгани каби Зухро опа каби кўёш ўқитувчилар билимли бўлиб, шу билимни етказиш усуллари биландилар. Зухро опа "Йил ўқитувчиси—2001" кўрик-танлови туман босқичи голиби, изланувчан муаллима.


Шунингдек, мактубларда Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз

туманидаги 32-мактаб ўқитувчиси Карим Камолов, Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги ХТБ услубчиси, мактаб раҳбари, ижодкор ўқитувчи Фуломжон Алиматов, Андижон бизнес мактаби ўқитувчиси Козимжон Бойматов, ЮНЕСКО назарига тушган Избоскандаги 12-мактаб муаллимаси Манзура Маҳкамовалар фаолияти ҳақида Д.Мирзаева, И.Мамажонов, М.Исмоилов ва Ҳ.Тоҳироваларнинг фикрлари ҳам ўз аксини топган.

Мактубларни варақлаб, шу хулосага келдик. Устозлар ҳақида қанча ёзсак оз, улар шаънига қасида жоиз, аммо битикларимиз қуруқ мактовдан иборат бўлмаслигини унутмайлик. Уларнинг унвонини санаш, шогирдларини тилга олиш кифоя эмас. Устоз ҳақида ёзганда унинг ўзига хос услуби, иш тажрибалари, бошқалар қўллаб билмаган янгиликлари, ноанъанавий дарслари, ютуқларга қандай эришгани сирларини ёрита олсак фойдали бўларди.

Кўпгина муаллифлар "Илтимос, шу мактубимни эълон қилсангиз" деб ёзадилар. Албатта, бирор мактуб эътиборсиз қолдирилмайди, аммо чоп этиладиган мактуб ёки мақолада мушоҳада юритишга ундовчи фикр бўлмоғи керак. Куйида шундай мактублардан намуналар келтирамиз.

"Ma'rifat"ga maktublar



БУНГА ҲАФСАЛА КЕРАК

Биз, ўқитувчилар таълим-тарбия хусусида кўп қуёнамиз, баркамол ёшлар кўпайишини истаймиз. Аммо бир нарсани унутамиз — таълим-тарбия негизи соғлиққа бориб тақалади. Боладаги камқонлик, дармон(витамин)-дориларнинг етишмаслиги, юқумли касалликлар билан оғриши унинг хотираси сусайишига олиб келади. Ўқувчининг руҳиятида кескин ўзгариш бўлиб, билим олишга ҳаваси сусаяди. Шундай экан, икки масалани ўртага ташламоқчиман.

Биринчиси, ҳар бир мактабдаги тиббий бўлим, шифокор ва ҳамшираларнинг ишига эътиборни ошириш керак. Касал болани мактаб шифокори даволаса, вақтдан ютилади. **Иккинчиси**, мактабдаги ошхоналар ишини яхшилаш лозим. Мактаб раҳбари оталиқ ташкилотлар ёрдамида ўқувчиларнинг ҳеч бўлма-са бир маҳал бепул овқатланишлари учун маблағ топса, соғлом авлод дастурининг амалга ошишига таянч бўларди, деб ўйлайман.

Рўзагул ЭГАМБЕРДИЕВА,
Тўртқўл туманидаги 63-мактаб
француз тили ўқитувчиси

Чирчиқ шаҳрида Ёқуб ота Ориповлар оиласини "Зиёкорлар оиласи" деб бежиз айтишмайди. Уруш қатнашчиси, маҳалла отахони Ёқуб отанинг етти қизи бор. Улар ҳам ота изидан бориб, маърифат нурлари билан одамлар кўнглини мунаввар қилмоқдалар. Бари олиё маълумотли, оталари

лаши сабаби нимада? Отахон фикрича шундай: — Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом "Бешиқдан қабргача илм изла" деганлар. Мен қизларимга ёшлиқдан яхши тарбия бериб, илмга ҳавас уйғотиб бордим. Чунки, яхши оиланинг фарзандлари гулшан яратади, Ватанни чаманга ай-

ЗИЁКОРЛАР ОИЛАСИ

сингари камтарин, меҳрибон, ёшу қари ўртасида иззат-ҳурмат топа олган зиёлилардир.

Биргина катта қизлари Мавжудахон ҳақида тўхталиб ўтайлик. У Чирчиқ шаҳридаги 7-мактабда ўқитувчиликдан иш бошлаган. Ҳозир раҳбар сифатида эл оғзига тушган. Мактабдаги ўқиш, ўқитиш, таълим-тарбиявий ишларни кўзга кўринарли даражада олиб борапти.

Етти қизнинг бир касбни эгал-

лантиради. Ўқитувчининг беғубор қалбидан ёғилган нур ўқувчи қалбига эзгулик яратади. Қолаверса, бу касб шарафли. Ҳатто буюк Амир Темур ҳам жисмимни устозим оёғи остига қўйинглар, деган эканлар. Доно отахондан ибратли сабоқ олган 7 қиз — 7 муаллима шу тўфайли баркамол авлод тарбиясига ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Рўзимат ДАМИНОВ,
фахрий устоз, Ўзбекистон
Республикасида
хизмат кўрсатган ўқитувчи

"ХўЖАКЎРСИН" КИМГА КЕРАК?

Заҳматқаш ўқитувчилар даврасидаги бир суҳбат эътиборимни тортди. Айрим ўқитувчилар елиб-югуриб, намуналар фан кабинетини ташкил этадилар. Аммо шу хона қалити раҳбарда бўлиб, фақат текширувчилар келганда очилар экан. Яна бирлари мактаб фахри бўлган музейнинг кичик бир хонага кўчирилиб, қулфлаб қўйилишидан қуёнадилар. Ахир, кимдир меҳнат қилиб ташкил этган хонаси "хўжакўрсин"га хизмат қилса, ачинмаймизми? Бу хоналардан ҳамма вақт фойдаланиш зарур эмасми? Қулфланган хоналар текширувчилар учун эмас, ўқувчиларимиз учун ҳар куни очиқ туришини хоҳлайман.

Муҳаббат РАЖАБОВА,
Навбахор туманидаги
1-мактабнинг тарих ўқитувчиси

ФАРЗАНДИМ КАМОЛИНИ КЎРИШ — УЛКАН БАХТ

Қалбимда эзгу умидим бор — ўғлим келажакда ўқиб, илм олиб, эл-юртга муносиб хизмат қилса. Ахир, фарзанд камолини кўриш ҳар бир она учун улкан бахт эмасми?

Бу йил ўғлим Жиззах шаҳридаги "Умид" лицей-интернатига ўқишга кирди. Бундан ўзимда йўқ шодман. Ўғлимга сабоқ берган Каттакўрғон

туманидаги 1-мактаб ўқитувчиларига, инглиз тили муаллимаси С.Алекперова ва лицей-интернат директори М.Якушинага миннатдорчилик билдириб, истиқлол фарзандларини тарбиялашдек масъулиятли ишларида омад тилайман.

Санобар ҲАМДАМОВА,
Каттакўрғон тумани

АНГРЕНДА БИР МАКТАБ БОР

Ангрен шаҳрининг 7 асрилик тарихига эга бўлган, муздек булоқ сувлари билан барчага манзур Облик қишлоғида 67 йиллик фаолиятга эга маърифий маскани — 29-мактаб жойлашган. Етти йилдирки, шу мактабга раҳбарлик қилиб келмоқдаман. Жамоамиз ютуқлари Сизга мактуб йўллашга ундади.

Мақтабимиз Буюк Брита-ниянинг ТАСИС лойиҳасига Пилот мактаб сифатида киритилди ва ҳамкор-

ликда иш олиб бордик. Бу дастурда барча ўқитувчи, ўқувчи ва ота-оналар қатнашишлари кўзда тутилди. Қизиқарли ўтган анжуманлар ўқитувчиларни ўз устида кўпроқ ишлашга, изланишга ундади. Ўзим Шотландияда 10 кун бўлиб, мактаблар фаолиятини ўрганиб қайтдим. Ҳозирги кунда шаҳримиздаги барча тадбирлар бизнинг ўқувчилар иштирокисиз ўтмайди. "Йил мактаби—2001" танловида қат-

нашиб, янги русумли бир комплект кабинет компьютери, ХТВ ташаккурномасини кўлга киритдик. 2001 йилдан мактабимиз ўз ўзини молиялаш йўлига ўтди. Мақсадимиз, ўзимиз барпо этган ёнғоқзордан даромад олиш. Ҳа, "Сендан ҳаракат, Оллоҳдан баракат" деб бежиз айтишмаган экан.

Зарифа ШОКИРХОНОВА,
Тошкент вилояти

Хатларни Маҳмуда
ВАЛИЕВА саралади.

Tanqid

Истиқлолга эришганимиздан сўнг утган қисқа даврга қарамасдан дунё ҳамжамиятида тан олинган суверен давлатимиз ўз йўлидан илдам қадам ташлаб бормоқда.

Ушбу тушунчаларни биз дарсларимизда, дарслик ва қўлланмаларимизда ўқувчиларга етказиб, тушунтириб беришимиз даркор. Бунинг учун эса дарслик ва қўлланмаларнинг янги авлодини яратиш масаласи ўта долзарб ҳисобланиб, соҳа мутахассислари фаолиятининг кун тартиби ва назоратидан тушмаслиги лозим. Тўғри, охириги йилларда қанчадан-қанча дарслик ва қўлланмалар ишлаб чиқилди ва нашр қилинди. Бу яхши, албатта. Лекин, сон кетидан қувиб, уларнинг сифати эътиборсиз қолиб кетишига йўл қўймаслигимиз лозим.

Шу ўринда Мунира Боситхонова тайёрлаган "Иқтисод алифбоси" 1-синф учун иш дафтари кўздан кечириб, ҳали бу соҳадаги тартиб қоидаларни кўпроқ урганишимиз керак экан деган хулосага келдик.

Тузувчининг (ҳамкасбимизни шундай аташ жоиздир) ниятлари 1-синфларда ўқув режаларига киритилган "Одобнома" дарслари таркибиде ўқувчиларга илк иқтисодий билимларни беришда қўмаклашадиган янги ўзбек алифбосидаги иш дафтари яратиш бўлган. Зеро, бу нур устига аъло нур! Бинобарин, бугунги кунда мактабларнинг ушбу тоифадаги китобларга бўлган заруриятини билиб туриб, муаллиф турли йилларда нашр этилган қўлланмалардан кенг фойдаланган. Ваҳоланки, бу нарса қонун билан таъқиқланмаган. М.Боситхонова дарсликка ўз тажрибалари, тўпланган матн ва шахсий ижодлари намуналарини қўшишлари ҳам лозим эди. Аммо...

Келинг, биргаликда ўқувчиларга таклиф этилган қўлланмани таҳлил этиб кўрайлик.

Илк қарашданоқ, иш дафтариининг ҳар бир саҳифаси 5 қуйидаги вазифалардан иборат эканлигини кўрамиз:

- иқтисодий билим ва тушунчаларга оид саволлар;
- мантиқни ривожлантирувчи топшириқлар;
- боланинг қўл моторикасини (қўл мушакларини ривожлантирувчи машқлар);
- математик масалалар.

Биринчи топшириқ бўйича берилган саволлар мазмуни келтирилган расмга мутлақо тўғри келмайди. Маълумки, (айниқса бошланғич синфларда) ўқувчиларга иқтисодий билим ва тушунчаларни бериш, уларни шакллантиришда болалар ҳаётий тажрибасидан фойдаланиб, саволларни аниқ ва лўнда қўйиш лозим. Акс ҳолда, масала моҳияти у ёқда турсин, савол мазмунини тушунишнинг ўзи болаларга бирмунча қийинчилик тугдирди.

Масалан, қўлланманинг 5-бетидаги расмда стол атрофида ўтирган ота-она ва болага қараб, ўқувчилар унда "... оиланинг қайси тури тасвирланган

"лигини аниқлаб беришлари талаб этилган. Кечирасиз-у, бу оиланинг қайси турга киришини биз топа олмаган бўлсак, болалар буни қандай билишар экан? "Деҳқон, хизматчи ёки зиёли" деб жавоб бериш керакмиди? Буни қандай билиш мумкин? Расмда оиланинг турини аниқлаб берувчи бирон бир белги ёки кўрсаткич йўқ.

Ёки бўлмаса расмда: "пахта, соябон, копток, қутича ва узум" берилиб, "ушбу маҳсулотларнинг ҳар бири қандай бозорнинг маҳсулоти" эканлиги ҳақида сўралади. Чорсу бозорида ҳаммаси бор. Лекин, юқоридаги маҳсулотларнинг сотиладиган

"ТОПИШМОҚ"НИНГ ТЎҒРИ ЖАВОБИ БЎЛМАСА...

бозори "қандай" аталиши жумбоқ бўлиб қолаверади: деҳқон бозори, кийим бозори, улгуржи ёки чакана савдо бозорими?

Саволга — "Чумчуқ сўйса ҳам — қассоб сўйсин" деган мақол билан жавоб бергингиз келади. Бунга яна бир мисол. Расмда набира билан бобо турибди. Савол: "Бобо билан Набира уртасидаги суҳбат иқтисодда нима дейилади!" — хоҳ иқтисод бўлсин, хоҳ маънавият бўлсин бобо билан набира уртасидаги суҳбат — суҳбат-да? Ахир, набира билан бобо уртасида савдо-сотик масалалари ечилмаётгандир?

Қўлланмани варақлашни давом эттирайлик. Расм: қиз бола ва мўйсафид ота. Савол: "Оилани асосан ким бошқаради?" Бундай қалгис савол ўқувчилардан айримларини ўксиктириб қўйиши мумкин. Чунки, жавоб — оила, шахсий ҳаёт доирасида бўлиб, жавоб минг хил бўлиши мумкин.

18-бетдаги расмда тюлень ва узум тераётган қиз тасвирланган. Савол: "Бошқарувчи инглиз тилида нима дейилади?" Биринчидан: саволга жавоб излашда мазкур расм ёрдам бера олмайди, албатта. Иккинчидан, маълумки, биринчи синф ўқув режаларига инглиз тили киритилмаган. Шунда, болалар "менежер" сўзининг таржимасини қандай топшилари керак?

21-бет. Китоб жавонларини артаётган бола ва китоб ўқиб ўтирган қизалоқ расмига савол қуйидагича қўйилган: "Мактабда бу болалар бошқарувчиси ёки...". Сезилиб турибдики, жавоб "ижрочи" ёки "бошқарилувчи" бўлиши керак (бошқарувчи эмас-ку!). Иқтисодиётдаги айрим категория ва тушунчаларни тўғридан-тўғри мактаб бошланғич синфлари дастурига киритиб бўлмайди.

38-бетдаги расмга қўйилган савол билан ("Бу расмда ким бошқарувчи-ю, ким бошқарилувчи?" деб) тузувчи ўқитувчи ва ўқувчининг уртасида "бошқарувчи" ҳамда оддий "ижрочи" ролларининг тақсим этилиши бугунги кун талабига тўғри келмаслиги, барчага аён. Демократик тамойиллар асосида қурилган мактабда эркин шахс тарбияси тарғиб этилаётганлигига неча йиллар бўлиб кетди?

Боз устига, китобдаги маълумотларнинг деярли учдан бир қисми 1992 йилда камина ва К.Носировлар томонидан тайёрланиб, "Комил-ҲМД" фирмасида чоп этилган "Кичкинтой" таҳсил дафтарида олинган бўлиб, мактабгача ёшдаги болаларга мўлжалланган. Унда айнан 6-7 ёшли болаларнинг психологик хусусиятлари инobatта олинган эди. Чунки, таҳсил дафтарида киритилган топшириқлар қўлланмада номлари келтирилган — Тошкент шаҳридаги 269, 395, 74-сон болалар боғчаларида кўп йиллар мобайнида синовдан утган ўқув материалдан иборат эди.

М.Боситхонованинг қўлланмаларига эса мазкур топшириқлар сунъий равишда киритилганлиги яққол кўриниб турибди. Иш дафтариининг 1 ва 4 топшириқлари ўқиш ва ёзишни билган, рақамлар билан ифода этилган арифметик масалаларни еча биладиган бошланғич синф ўқувчиларига мўлжалланган. Ўз навбатида улар янада пухтароқ ишланиши ва бойитилиши мумкин эди.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, турли касб эгаларига ижод қилиш, китоб ёки ўқув қўлланма яратиш учун зарурий шарт-шароитлар мавжуд эканлигини таъкидлаш жоиздир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқич вазифалари доирасида илмий изланиш, тадқиқот ва ижод қилишга бел боғлаган мутахассислар, уларнинг ижод маҳсули бўлган китоб ёки қўлланма ҳам қонун ҳимоясида бўлади (Ўзбекистон Республикаси "Муаллифлик ҳуқуқлари ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Қонун — 1996 йил 30 август).

Демократик жамиятимизда қонун устуворлиги тарғиб этилган экан, демак ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида унинг куч-қудратини идрок этиб, ҳар бир қадамда унинг моддалари адолатли татбиқ этилишининг гувоҳи бўлишимиз муқаррар. Иқтисод ва унинг "алифбоси" авваламбор, қонунларга бўлган ҳурматдан бошланиши лозим.

Гули ХАМРО



Она-Ватанга садоқат, киндик қони тўкилган покиза тупроққа меҳр, дўстга вафо... Бу инсоний фазилатларнинг улғаяр жойи, камолот чўққисига етар маскани — мактаб. Бу мўътабар даргоҳга қадам қўйган кичкинтойнинг қизикувчан, синчков нигоҳлари теварак-атрофдаги ҳамма нарсага илғайди. Ўғил болалар паҳлавонсифат спортчи, ўқишда илғор, чехраларидан мардлик, жа-

сурлик балқиб турган мактабдош акаларига ҳавас қилса, қизалоқлар меҳрибон, ширинсўз муаллимларига, кийган кийимлари ўзларига ярашиб турган, гўзал, ҳаёли, ибобли опаларига ўхшашга

асининг ўтган ўқув йили давомида тадбиркорлик, ташаббускорлик билан иш юритиб, "Таълим тўғрисида"ги қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", давлат таълим стандартларида кўрса-

ЦЕМОЗЛАРГА САБОҚ БЕРАР САМРАЛАР

интиладилар...

Республика миздаги кўпсонли бошланғич синф муаллимлари сабоқ олгувчи журналнинг сентябрь-октябрь ойи сонининг дастлабки саҳифаси юқоридаги сатрлар билан бошланади. Билимлар байрами муносабати билан чоп этилган ушбу суратли лавҳада пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 243-мактаб педагогик жамо-

тилган йўл-йўриқларни амалга оширишда катта ютуқларга эришаётганлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Педагогика фанлари доктори Улфат Маҳкамовнинг "Не бор Ватандан азиз" мақоласи юртимиз мустақиллигининг 11 йиллик тўйи муносабати билан ёзилган бўлиб, бу мақола бошланғич синфларда дарс бераётган ўқитувчиларимизга Муста-

Jurnallarninig yangi sonlarida

қиллик дарсларини ўтишларида муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади. Чунки унда "Ватан" сўзининг нақадар буюклиги ишонарли тарзда

тилига Давлат тили мақоми берилганлиги муносабати билан она тилидан "Мустақил ишлар" мақоласи, "Давлат таълим стандартлари — амалда" руқни остидаги "Дизайн — гўзал шакллар дунёси" мақоласи, профессор Тошпўлат Тошлоновнинг Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллигига бағишлаб ёзган "Амир Темир излари бор бу Кешда..." мақоласи, Урганч Давлат университети ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди М.Салаеванинг "Ўқувчилар нутқини ўстириш" мақолалари ҳамда Фозилжон Ориповнинг "Иқтисод" кроссворди ва бошқа ўқимишли ҳамда қизиқарли материаллар эълон қилинганки, буларнинг барчаси муштарийларимизни бефарқ қолдирмайди.

Дилбар ХҲЖАЕВА

баён қилинган.

Наманган Давлат университети ўқитувчиси Т.Исмоиловнинг "Ҳаракат — ҳаёт манбаи" мақоласи бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларини таққослаш муносабати билан ёзилган.

Журналда булардан ташқари танлов асосида яратилган дарсликларнинг янги авлоди ҳақидаги мақола, ўзбек

Хар бир соҳанинг машаққатли ва оғир томонлари бўлади. Ўзбек тилида лугатшунослик бўлими игна билан қудуқ қазишдек заҳматли меҳнатни талаб этади. Барчамиз “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”, “Ўзбек тили синонимларининг изоҳли лугати”, “Ўзбек тилининг имло лугати” (янги алифбода ва янги имло қоидаларига мос ҳолда тузилган, Т., 1995) каби қўлланмалардан фойдаланамиз. Бу лугатларнинг яратилишида филология фанлари доктори, академик, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, бир қатор дарсликлар муаллифи Азим ҲОЖИЕВнинг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Шунингдек, олимнинг “Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар”, “Ўзбек тилида ўзбекча феъллар”, “Тўлиқсиз феъл”, “Феъл”, “Ҳозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли лугати”, “Термин танлаш мезонлари” ва бир қатор монографиялари, олий ўқув юртлари учун ҳаммуаллифликда яратган дарсликлари ҳамон ўз кадр-қимматини йўқотмай, фанимиз учун, унинг рағбат учун хизмат қилиб келмоқда. Бугунги меҳмонимиз — академик Азим ҲОЖИЕВ билан суҳбатимиз, шубҳасиз, она тилимиз, сўзга муносабат ва устозлари ҳақида бўлди.

— Домла, олимлар Пушкин ўз асарларида 21 минг 197 та, Шекспир 20 мингга яқин, Сервантес салкам 18 минг, Алишер Навоий эса фақат туркий эмас, форсий, арабий, урду, хитой, мўғул ва бошқа тиллардаги сўзлардан ҳам фойдаланиб, 1 миллион 378 минг 660 та бетакдор сўз ишлатганини ҳисоблаб чиқишган. Демак, ўзга тиллардан кириб келган сўзлар тилимизни бойитишга хизмат қилиши, шубҳасиз. Шунга қарамай, ўзбек тилига Давлат мақоми берилгач, республика, институт, университет, кафедра каби юзлаб сўзлар учун жумҳурият, олийгоҳ, до-рулфунун, минбар каби-лар танланди. Орадан кўп ўтмай, юқоридаги каби сўзлар яна аввалгидек қўллана бошланди. Бунга Сизнинг муносабатингизни билмоқчи эдик.

— Хар бир сўз амалда қўлланиш учун танланганда “Нима учун?” деган саволга жавоб бериш керак. Институтни олийгоҳ дейишимиз тўғри эмас. Чунки —гоҳ кўшимчаси отларга қўшилиб, ўрин-жой маъносини ифодалайди: жанггоҳ, ўйингоҳ каби. Бу кўшимчани сифатларга қўшиш нотўғри, олий қандай сўроғига жавоб бўлиб, сифат—сўз туркуми ҳисобланади. Иккинчидан, олийгоҳ — олий жой деган маънони англатади. Талабалар ўқиб, олий маълумот оладиган жой институт деб аталган тўғри. Худди шундай ўйингоҳ сўзи ҳам стадион маъносини беролмайди, кўп қаватли уйлар ёнидаги болалар майдончаси ўйингоҳ деб аталса тўғри бўлади, бу ерда фақат ўйналади. Лекин стадионда фақат футбол ўйналмайди-ку, стадион грекча сўз бўлиб, спорт ўйинлари майдони, югуриш йўллари ва томошабинлар учун трибуналари бўлган катта спорт даргоҳи деган маънони билдирадими, буни ўйингоҳ тўла ифодалаб беролмайди.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 13 йил тўляпти. Кўп яхши ишлар қилинди, ҳужжатлар, иш қоғозлари ўзбек тилида ёзила бошланди. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси жорий қилинди. Булар — ижобий ҳодиса. Аммо бу сўз ўзбекча эмас, бунисини ишлатайлик дейиш нотўғри. Терминни атамага айлантириш мумкин эмас, термин аслича қолиши керак. Бу ҳақда мен “Терминологияни такомиллаштирайлик”, “Сўз ясалиш имкониятларидан тўғри фойдаланайлик”, “Му-

стакиллик шароитида ўзбек тили лугат таркибининг ривожланиш асослари”, “Русча-байналмилал ўзлашмаларнинг ўзбекча муқобилларини танлаш принциплари” каби илмий мақоаларимда батафсил тўхталиб ўтганман. Қизиқувчилар бу мақоаларни “Ўзбек тили ва адабиёти” журналларидан ўқиб олишлари мумкин.

— “Она тили” дарсликларимизда айрим терминлар ўзгартирилган. Синоним, омоним, антоним, метод, билет ва бир қатор термин ҳамда сўзларни маънодош, шаклдош, қарама-қарши маъноли сўзлар, услуб, патта каби кўри-

Азим ҲОЖИЕВ:

ЎЗ ОНА ТИЛИНИ БИЛИШ ЗАРУРЛИГИ, ИСБОТ ТАЛАБ ЭТМАЙДИГАН ҲАҚИҚАТДИР

нишларда ишлятйимиз. Акс ҳолда тилга ҳурматсизликми бу?

— Асло, юқоридаги каби ишлятиш ноўрин. Терминни атамага айлантириш мумкин эмас. Мактаб дарсликлари илмий асосга эга бўлмоғи, унда ҳамма томонидан эътироф этилган терминларни ишлятиш зарур. Дарсликдаги терминлар илмий жамоатчилик томонидан тан олингандагина дарсликка киритилиши мумкин. Метод, билет, самолёт, аэропорт, вокзал, лупа, цех, пенсионер, менежер, метро каби сўзларни аслича ишлятиш тўғри бўлади. Муқобилини топишда, албатта, сўз ясаш принципларига риоя қилинганми, йўқми, аниқлаб олиш керак. Сўзга қўйилган талаб — воқеа-ҳодиса, нарсанинг номи аниқ ифодалаш. Мана, интеллигент сўзи ўрнида зиёли сўзини ишлятиш жуда ўринли, зиёли сўзи тўғри ясалган ва русча интеллигент сўзининг маъносини ўзида тўлиқ ифодалаган. Лекин “Этика ва эстетика кафедраси”ни “Одобнома кафедраси” деб аташ нотўғри. Нома — мактуб, саёхатнома — саёхат таассуротлари ҳақидаги асар, таклифнома тўй ёки бирор тадбирга чорловчи қоғоз, далолатнома, ишончнома ҳам шундай. Одобнома — одоб ҳақидаги асар, демак, одобнома этика ва эстетика кафедр-

Меҳмонхона



раси маъносини беролмайди. Хулоса қилиб айтганда, сўз танлашда эҳтиёткорлик қанчалик зарур бўлса, истеъмолдаги бошқа тиллардан кирган сўзларга ёт назар билан қарамаслик ҳам шунчалар зарур.

— Домла, сиз профессор Шавкат Раҳматуллаев билан “Ўзбек тилининг имло лугати”ни янги алифбода чоп эттирдиз. Аввалги лугатда берилгани каби бу қўлланмада ҳам баъзи бир сўзларнинг, масалан, набира ёки невра, мачит ёки масжид, нина ёки игна, шойи ёки шохи, арақ ёки ароқ, адаб — одоб, кадр-қиммат — кадр-қиммат, пойгак — пойгах, гадо(й), подшо(х) сингари икки хил

ган вақтда ўқиб, энг ёш фан номзоди, фан доктори бўлганингиз ҳақида ЎЗМУ профессорларидан кўп эшитганмиз. Бунда устозларингизнинг ҳиссаси бор, албатта. Биринчи ўқитувчингиз, ўқувчилик ва талабалик йилларингизни қандай эслайсиз?

— Халқимизда “Дарахтига қараб — меваси, устозига қараб — шоғирди” деб тўғри айтишган. Пойтахтимиздаги 14-мактабда ўқиганман. Биринчи ўқитувчим “Алифбе” китобининг муаллифи, ҳамма учун таниш ва азиз инсон, устозларнинг устози — Оқилхон Шарофиддинов. У киши болаларни жуда севар ва рағбатлантириб, ўқишга қизиқтирар эдилар. Биз 2—3-синфда шариллатиб ўқирдик. Баъзан 13—15 ёшли болаларнинг тутилиб ўқишини эшитиб, ўша даврларни кўп эсламан. Ўқитувчининг болаларга, болаларнинг ўқитувчига меҳри бўлакча эди. Устозимизни уялтириб қўймаслик учун тиришиб ўқирдик. Оқилхон ака ҳам эринмай ўргатар эдилар. Юқори синфларда Кўктеракдаги мактабда ўқиганман (Когонович номи). Ёшлигимдан математикага қизиқардим, оиламизда акаларим математик эдилар. Бизга адабиётдан Ҳокимбек Ҳошимбеков дарс бера бошладилару мен адабиётни севиб қолдим. Ҳокимбек ака оддий дарс ўтмасдилар. Дарсликлар йўқ

яқин мавзу танлаб боргандим, улар қолиб, “Ўзбек тилида ҳозирги замон феъли” мавзусини ишлашимга таклиф қилдилар. Бу мавзунини бир ярим йилда ёзиб тугатдим, лекин аспирантуранинг яна бир ярим йили қолгани учун ҳимояга рухсат йўқ эди. Менга ЎзФА Тилшунослик институти лугатшунослик бўлимига ишга боришимга рухсат беришди. Институт директори, академик Азиз Қаюмов мени илмий ҳодим қилиб ишга олдилар. Ҳам ишладим, ҳам аспирантуранинг давом эттирдим. Аспирантуранинг тугатибоқ номзодлик ишимни ёқладим. 1966 йилда Тошкентда кучли ер қимирлаши бўлгани учун Қирғизистон ФА бизни ишга чақирди. Мен ҳам 3 та илмий мақола ёзиб келаман, деб Қирғизистонга бордим ва июнь-июль ойларда у ерда тўлиқсиз феълларни ўрганиб, монография ёзиб келдим. Унгача докторлик ишимни ёзиб бўлгандим, аммо ҳали ёш деб ҳимояга рухсат берилмаганди. Буни қарангки, докторлик ишим қолиб, шу монографияни докторлик диссертациясига тавсия этишди ва 33 ёшда фан доктори бўлдим.

— Ўқитувчи бўлиш орзунгиз амалга ошмай қолибди-да!

— 1959 йил 5 январдан шу кунга қадар ЎзФА лугатшунослик бўлимида ишлаб келман. Кичик илмий ходимликдан бўлиб бошлиғи, директор лавозимига кўтарилиб ишладим. Лекин малака ошириш институтларида ҳам дарс бердим, Давлат имтиҳонларида раис сифатида қатнашдим.

— Домла, ёшлар орасида тил ўрганишга қизиқиш ва эҳтиёж ортиб бормоқда. Ўқувчи ва талабалар пуллик курсларда ва репититорлар ёллаб, бирор чет тилини ўрганмоқдалар. Ўз она тилига эса бепсандлик билан қарамоқдалар.

— Фикрингизни тушундим. Чет тиллардан бирини ўрганиш ниҳоятда зарур. Аммо, ҳар бир тилни ўрганиш она тилини пухта билишдан бошланади. Хар бир Ўзбекистон фуқароси, ўзбек тилини пухта билмоғи керак. Аммо она тилини билиш зарурлиги — исбот талаб этмайдиган ҳақиқат. Хар бир миллат маданияти, маънавияти, тили билан кучлидир. Бундан ёшларимиз ўзларига хулоса чиқариб, она тили рағбатига қўришадилар, деб ўйлайман.

— Шогирдларингиз рўйхати узун экан, айримларини таништириб ўтсангиз.

— Улар 40 нафарга яқин, фан докторлари Ф.Зикриллаев, А.Маматов, Б.Йўлдошев, доцентлар Т.Алиқулов, М.Қаландаров, А.Абдуллаев, Х.Юсуфхўжаева, Б.Содиқов, Н.Маҳкамов, Д.Худойбергеновалар она тили тараққиётига салмоқли улуш қўшдилар.

— Оилангиз ҳақида икки оғиз сўз.

— Умр йўлдошим Азизахон — муаллима, ўғлим Жаҳонгир — тадбиркор, кизим Вазира — ЎЗМУда катта ўқитувчи, фан номзоди, Назира — физик, Нигора — филолог. 11 нафар неварам бор.

— Устозларга тилакларингиз.

— Устозлар ҳалол, виждонли, самимий ва ўз фанининг билимдони бўлсинлар. Ҳалоллик, ўқувчига меҳр уларни улуғласин. “Маърифат”чилар ва ўқитувчилар зиё тарқатишдек савобли ишда ҳорамасинлар.

Маҳмуда ВАЛИЕВА
суҳбатлашди.

кўринишда ёзилиши тўғри деб кўрсатилган. Баъзан ижодий ишлар танловида ўқитувчининг ўзи мачитни масжид, неварани набира деб тўғирлаганининг гувоҳи бўлганман. Бу сўзлардан фақат бирининг ёзилиши тўғри деб тасдиқланса, чалкашлик бўлмасми?

— Тўғри айтдингиз, ўзим ҳам шу ҳақда ўйлаётгандим. Ҳозир биз бир гуруҳ лугатшунослар “Ўзбек тилининг изоҳли лугати” кўп жилдли китобининг янги наشري устида ишляпмиз. Картотека тузаямиз. Иш жараёнида сўзларнинг яна янги маънолари топилапти. Ана шу изоҳли лугатда вариантларнинг нормасини белгилаймиз. Изоҳли лугатда асосий сўз берилади, қолганларига “қаранг”, дейилади. Асосий сўзга изоҳ берилади ва имло лугатида энг кўп ишлятилган варианты берилади. Болаларимиз: “она”, “опа”, “ота” дейишади, аммо “ока” имло лугатида “ака” деб берилади. Нега “ока”ни “ака” ёзамиз? Мана шундай ўринларда бола чалғийди.

— Сиз шўролар даврида ўқигансиз, айтмоқчиманки, ўзбеклар истеъдодли тан олинмаган, қобилиятли ўқувчиларнинг синфдан синфга сакраши, 7 ёшга тўлмай мактабга бориши, 17 ёшга тўлмай институтга кириши мумкин бўлма-

эди, бадий асарларни ўқиб, таҳлил этардик, кўп шеър ёд олардик. Кўпинча дарс ўтишни менга топширардилар. Келгусида, албатта, адабиёт ўқитувчиси бўламан, дердим. Яна бир сирни айтай, акаларим ўрнига адабиётдан имтиҳон ҳам топшириб чиққанман. Мактабни битиргач, ЎЗМУга ҳужжатларимни топширдим. 2-курсда бизни махсус курс фани бўйича тилчи ва адабиётчилар гуруҳига ажратишди, мен адабиётни танладим, аммо фамилиям рўйхатнинг охирида бўлгани учун тил гуруҳига ўтиб қолдим. Сабаби, курсдагиларнинг кўпчилиги адабиёт гуруҳида ўқишни истарди. Шунда деканамиз рўйхатнинг охиридагиларини адабиёт, қолганини тил гуруҳига ажратишга мажбур бўлдилар. Ўқишни “аъло” баҳоларга битирдим. Университет ректори Т.Саримсоқов мени Сурхондарё вилоятининг Узун туманига ишга юборишларини айтдилар. Рози бўлдим, аммо Ш.Раҳматуллаев таклифлари билан аспирантурада ўқишга қолдирилдим. Номзодлик илмий ишимга В.Решетов раҳбарлик қилди. Сарик сочли бу домла-га илк марта русча салом берганимда, алик олиб, Тошкент шевасида, соф ўзбекча бийрон гапирганларида ҳайрон қолганман. Решетов домла менга номзодлик учун мавзу танлаб келинг, дедилар. Ўнга

Кенгаши тўй тарқамас, дейдилар. Кўпчилик бир жойга йиғилганда, муҳим масалалар теграсида айтиладиган фикрлар ойдинлашиб, ўзининг аниқ ечимини топади. Бу, аслида қадимдан давом этиб келадиган анъанадир.

Ҳар бир таълим даргоҳида бошқарув мавжуд. Мактаб, лицей, коллежда уни директор ҳамда муовинлар бошқаргани билан умумий вазифалардан ҳеч ким мустасно эмас. Худди шундай ҳолат олий таълим муассасаси ректорига ҳам тегишли. Демак, институт ёки университетдаги таълим-тарбия ишларининг амалга оширилиши ректордан ташқари, унинг муовинлари, деканлар, кафедра мудирлари, жамоат ташкилотлари, қолаверса, оддий ўқитувчилар саъй-ҳаракатига ҳам боғлиқдир.

Олий таълим муассасалари тўғрисидаги Низомда, унинг олий бошқарув органи илмий кенгаш, деб кўрсатилган. Бундай кенгаш ҳар бир ўқув даргоҳининг "уриб турган юраги" деб ҳам ҳисобланиши мумкин. Илмий кенгашга дахли бўлмаган ҳеч бир масала йўқ. Кенгаш олий таълим бўйича давлат таълим стандартлари ижросидан тортиб жамоат ташкилотлари иши устидан ҳам назорат олиб боради.

Тошкент Давлат юридик институтидаги илмий кенгаш фаолият доирасида ҳам ана шу вазифалар қамраб олинган. Илмий кенгаш ҳар ўқув йилида ўз иш режасини тасдиқлаган ҳолда иш юритади. Кенгашга раҳбарлик қилиш ректор зиммасига юклатилган, унинг атрофига жами 44 киши бириккан бўлиб, раис, унинг муовини ва котиби доимий назорат олиб боради. Кенгаш атрофига уюшган аъзоларнинг аксарияти ҳуқуқшунослик илми бўйича кандидатлик, номзодлик даражасига эришган олимлар бўлиб, 8 нафари профессордир.

Илмий кенгаш қандай ишлайди? Унинг мазмунида нима ётади? Бу — масаланинг бирламчи жиҳати бўлиб, фикр билдиришда умумийликни эмас, аниқ бир нуқтаи назарни талаб қилади. Кенгаш раисининг муовини, маънавий маърифий масалалар бўйича проректор Даврон Аҳмедов ана шу бирламчи жиҳатга тўхталиб, шундай деди:

— Ҳар бир олий ўқув юртидаги энг асосий мақсад, маълум ихтисослик бўйича малакали кадр тайёрлашга қаратилади. Бунга жамики ҳаракатлар сафарбар қилинади. Хусусан, илмий кенгаш ҳам. Институтимизда илмий кенгаш фаолияти аниқ тизим ва тартибга солинган. Унинг вазифалари иш режасида акс этади.

2002—2003 ўқув йили учун тузилган режага августдан бошлаб то май ойига қадар бўлган даврдаги вазифалар муҳокама учун киритилган. Уларнинг барчаси ҳам бир-биридан муҳим ва долзарб. Шуниси характерлики, кун тартибидеги масалалар ижтимоий-сиёсий тусда бўлиб, ҳар бирининг замирида таълим истикболи кўзланади. Масалан, кенгашнинг октябрь ойи иш режасига 8 та масала киритилган.

Биринчиси, маънавий-маърифий ишларнинг бажарилишига оид чора-тадбирлар. Иккинчиси, институт "Камолот" ёшлар уюшмаси фаолиятининг таҳлили. Учинчиси, ишлаб чиқариш ама-

лиёти яқунлари ҳисоботи ва ҳоказо. Кўряписки, кун тартибига қўйилган масалалар аҳамияти жиҳатидан бир-биридан мутлақо кам эмас.

Илмий кенгаш аъзолари ҳар ойда бир мартаба йиғилишади. Унда кўтарилган масалалар ижроси расмийлаштириб қўйилади ва устидан назорат ўрнатилади.

2001—2002 ўқув йилидаги институтимиз илмий кенгаши фаолияти таҳлил қилинадиган бўлса, ҳисобот даври унинг учун ҳар доимгидек масъулиятли бир палла бўлди. Аввало, профессор-ўқитувчилар жамиятимизни демократиялаштиришда ҳуқуқий билимлар базасини янгилаш, талабаларга чуқур билим бериш, сиёсий жиҳатдан етук, касбий тайёргарлиги пухта кадрлар тайёрлаш, шунингдек, соҳага доир дарслик ва ўқув қўлланмаларини нашрдан чиқариш каби жараёнларда фаол иштирок қил-

Шуни ҳам таъкидлаш кераки, илмий кенгаш мажлисларида мавжуд факультетлар ҳамда 5 та кафедранинг ҳисоботларини тинглашга, муҳокама қилишга ҳамда тегишли қарорлар қабул қилишга муваффақ бўлди. Йил давомида касба уюшма раиси П.Алимов, юридик коллеж директори М.Сатторов, институтимиз қошидаги юридик лицей директори Х.Назаровларнинг ахборотлари ҳам тингланиб, илмий кенгаш аъзолари бундан ҳам огоҳ бўлиб боришди.

Кафедраларнинг таълим тизимидаги ўрни салмоқли эканлиги барчамизга маълум. Чунки кафедралар маълум фанларга ихтисослашади ва унинг туб моҳияти билан шуғулланади. Ўтган ўқув йилида "Давлат ва тарих назарияси", "Давлат бошқаруви", "Халқаро хусусий ҳуқуқ", "Жиноят жараёни", "Экология ҳуқуқи" кафедралари вақ-

бўлар эди. Илмий кенгашнинг ҳамма ишни ўзи эплай олмаслиги назарда тутилиб, унинг қарорига кўра, 2002 йил апрель ойидан эътиборан, илмий бўлим эндиликда бақамти, бамаслаҳат иш олиб бормоқда.

ИЛМИЙ КЕНГАШ ҚАНДАЙ МУАММОЛАРГА ДУЧ КЕЛАДИ?

Бу масаланинг яна ҳам муҳим томонидир. Чунки иш бор жойда муаммога дуч келинади, уни бартараф этиш чоралари изланади. Тошкент Давлат юридик институти қошидаги илмий кенгаш йиғилишларида муаммолар "ярк" этиб кўзга ташланиб қолмоқда. Яъни, қандай?

Сурайё Одилхўжаева — илмий кенгаш котибаси, юридик фанлари номзоди:

— Ҳуқуқшунослик барча соҳалар, тармоқлар сингари серқирра. Бошқача айтганда, ҳар бир соҳанинг ҳуқуқий томонлари бор ва у маълум қонун-қоидалар билан мустаҳкамланган, кафолатланган. Ҳуқуқий фанларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига оид комплекс дастурлар муҳокамаси ҳамда кафедралар илмий йўналишларининг тасдиқланиши, кенгашимиз доирасида муносиб ўрин эгаллай олганича йўқ. Баъзан қабул қилинган қарорлар ижросиз қоляпти. Чунончи, институт услубий кенгашига талабалар билимини баҳолаш, рейтинг жараёнида учраётган муаммолар юзасидан тушунтириш ишларини олиб бориш юклатилган эди. Афсуски, қарорнинг амалдаги ифодаси кўринмади. Шунингдек, илмий кенгашнинг шу йил 28 март кунги йиғилиши қарорида "Жиноят процесси" кафедрани мудирига магистрантлар билан ишлаш, уларни дарсларга жалб этиш, ўқув қўлланмаларини тайёрлаш, кураторларнинг ишларини жонлантириш юклатилган эди. Бунга бир ой муддат белгиланган ва ижро назорати ўрнатилган бўлса ҳам, бу ҳақдаги маълумот илмий кенгашга келиб тушмади. Агар илмий кенгаш қарорларини бажариш барча деканат, кафедра, бўлим, аъзолар ва ходимлар учун мажбурий ҳисобланишини назарда тутадиган бўлсак, баҳоналарга асло ўрин қолмайди.

Бундан ташқари, факультетлар қошидаги илмий кенгашлар билан алоқамиз узилиб қолмоқда. 2-ҳуқуқ факультетида ўтган ўқув йили давомида атиги беш марта илмий кенгаш йиғинлари бўлиб ўтган, баённомалари ҳам қониқарли эмас.

Илмий кенгаш, ўз номидан ҳам кўриниб турибдики, ҳар бир олий таълим муассасасининг нуфузли ташкилотчи органидир. Юқорида таъкидлаганимиздек, унинг фаолияти қандайдир қолип ичига солиб қўйилмаган. Тошкент Давлат юридик институти қошидаги илмий кенгаш мисолида бунга яна бир қарра амин бўлди. Зеро, илмий кенгаш ҳар бир олий таълим муассасасида ўз номига муносиб бўлсин.

**Хулқар ТҲИМАНОВА,
"Ma'rifat" муҳбири**

ИНСТИТУТ ОЛИЙ БОШҚАРУВ ОРГАНИ: ЮТУҚЛАР, МУАММОЛАР, КАМЧИЛИКЛАР

моқдалар.

Ўтган ўқув йилида илмий кенгашнинг 14 та мажлиси бўлиб ўтди, унда 81 та масала қўриб чиқилди. Булардан энг муҳими, Президент Ислоҳ Каримовнинг Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясидаги "Адолат қонун устуворлигида" маърузаси бўйича институт жамоаси томонидан тасдиқланган вазифаларни ҳал қилиш масаласи эди. Бу асосда тузилган режа бўйича кафедралар, деканатлар, бўлимлар иш олиб боришди. Референдум тадбирларининг уюшқоқлик билан ўтказилишида ҳам А.Тўлаганов, З.Исломовлар раҳбарлик қилаётган кафедралар намунали ишлашди. "Референдум яқунлари ҳақида давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги конституциявий қонунни ҳаётга татиқ этишга қаратилган тадбирлар амалга ошириляпти. Шу босидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳар бир бобига доир алоҳида рисоалар ўз босмаҳонамида чоп этилди.

Илмий кенгашнинг ўтган ўқув йилидаги фаолияти даврида бир қанча дарсликлар чоп этилишига эришган бўлсак-да, ҳали айрим фанлар бўйича адабиётлар етарли эмас. Масалан, "Сиёсий давлат ва ҳуқуқий қарашлар тарихи", "Мусулмон ҳуқуқи", "Молия ҳуқуқи", "Оила ҳуқуқи", "Жиноят жараёни" (маҳсус қисми), "Ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари", "Прокурор назорати", "Криминалистика" фанлари бўйича талабаларга пухта билим бера оладиган дарсликлар камёб.

ти-вақти билан илмий кенгаш йиғинларида ўз ахборотларини тақдим этишди.

Албатта, ҳуқуқшунослик жамиятимиздаги кадр-қиммати юксак соҳа ҳисобланади. Чунки жамиятни қонун ва кодексларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу маънода ҳуқуқшуносликка эҳтиёж ва талаб ҳеч қачон сусаймайди.

Суд, прокуратура, нотариал идора, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилувчи идораларда ишловчи ҳуқуқшуносларнинг асосий қисми Тошкент Давлат юридик институтида тайёрланади. Умумдават аҳамиятига молик бу вазифага институт илмий кенгаши ҳамisha биринчи даражали вазифа сифатида қарайди. Ҳуқуқий фанларни ривожлантиришга бағишланган илмий-тадқиқотлар салмоғи ёмон эмас. Ўқув йили мобайнида 4 нафар доцент, 1 нафар профессорлик унвони Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясига тавсия этилди, шундан 3 та илмий унвон тасдиқланди. Бундан ташқари, илмий кенгаш мажлисларида 5 та докторлик, 61 та фан номзодлиги диссертациялари мавзуси тасдиқланди.

Илмий кенгаш серқирра, вазифалари тугамайдиган бир таркиб. Айримлар бу кенгашни қандайдир расмиятчиликнинг кўриниши, деб ҳам баҳслашишга тайёр туришади. Лекин мен бу фикрни кескин рад этардим. Агар олий таълим муассасасида илмий кенгаш фаолият юритмаса, бошбошдоқлик, сансалорлик, бугунги ишни эртага суриш ҳолатлари келиб чиққан

ОРЗУИМНИНГ ҚАНОТЛАРИ

"Тўртинчи ҳокимият" нима? У қандай вазифаларни бажаради? Ушбу саволларга қизиқиб, жавоб изладим. Билсам, "Тўртинчи ҳокимият" — матбуот, радио, телевидение экан. У жамиятдаги ютуқлар, унда учраётган муаммолар ва уларни ечиш йўллари, ҳаётимизни яна ҳам яхшироқ қилиш борасида кишилар фикрини уйғотиш, уларни сафарбар қилиш учун зарур экан.

Дарҳақиқат, ҳар бир мамлакатда эришилган ютуқлар билан бир қаторда муаммолар ҳам мавжуд. Бу муаммоларни жамият фикрига таяниб ечишда тўртинчи ҳокимиятнинг роли катта. Бу эса журналистлардан катта маҳорат, чуқур билим, юксак ижодкорлик ва меҳнатни талаб қилади. Президентимиз И.Каримовнинг ҳаммамиз қизиқиб ўрганаётган Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузасида шундай дейилган: "... бугунги кунда мамлакатимизда ўз касбининг ҳақиқий устаси бўлган, юртимиздаги ва чет эллардаги ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг масалалари ва ҳақиқий ҳолатини чуқур тушуниш, таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлган малакали журналистларга катта эҳтиёж сезилмоқда". Демак, бугунги ўзбек журналистига замон ўзининг аниқ касбий талабларини қўймоқда. Булар: ўз ишининг ҳақиқий устаси бўлиш, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётини, шу билан бирга чет эллардаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва ҳолатни яхши билиш, таҳлил қилиш, юксак малакали бўлишдир.

Юртбошимизнинг ушбу сўзлари худди менга қараб айтилгандек бўлди. Бунинг сабабини айтсам, мен — истиқлол тўғрисида орзулари ушалаётган ўзбек қизиман. Чунки 2002 йил Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетида ўқишга кирдим. Энди менинг олдимда турган вазифалар аниқ. Миллий гоё билан уйғун мақсадим бор. Яъни, мен ўз қаламим билан Ўзбекистонда адолатли фуқаролик жамиятининг барпо этилишига астойдил хизмат қилмоқчиман. Бунинг учун юқоридаги талабларга мос бўлишим керак.

Жаҳон тиллари университети ажойиб илм даргоҳи. Ўқийман, деган талаба учун барча шароитлар муҳайё. Унда журналистик маҳорат тарбиясига катта эътибор берилар экан. Аълочи талабалар чет элларга бориб, у ерда ўз малакаларини оширишади. Мен ҳам ўз билимим, ҳалол меҳнатим, тиришқоқлигим билан чет элларда малакамни ошириб, Ватанга хизмат қилишни кўнглимга тугиб қўйдим. Менга мана шундай профессионал келажакимни ўз ақлим ва қўлларим билан яратилишига барча имконият ва шароитларни яратиб берган мустақилликни шарафлайман.

Чунки собиқ шўролар даврида бир ўзбек қизининг чет тилларни билувчи, хорижда фаолият юритувчи журналист бўлиши бобомнинг айтишларича, "етти ухлаб тушга кирмайди" орзу экан. Мустақиллик ана шундай ҳаёлни ҳақиқатга айлантди. Бунга эришиш қанчалик қийин бўлганлигини тарихимиз саҳифаларидан билиб бормоқдамиз. Шундай экан, бу мурувватта чуқур билим, ютуқлар билан жавоб қайтариш — ҳар бир талабанинг миллий бурчи бўлиши керак, деса, бунга тенгдошларим қўшилсалар керак.

Мархабо МУҲАММАДИЙ,
ЎЗДЖТУ 1-босқич талабаси

Тугруқхонадаги энг чиройли овоз, умуман жаҳонда бундан чиройли овоз бўлмас керак, бу — гўдакнинг илк қичқирғи.

Инсон дунёга келди. У ўзининг келганлигидан дунёга жар соляпти. Буни бир томондан мустақил ҳаётнинг бошланиши дейилса, бошқа томондан, она қорнидаги қулайликлардан маҳрум бўлиш, атроф-муҳитга мослашишни хоҳлаш керак, деб ҳам талқин қилиш мумкин.

Нима бўлганда ҳам, энди у ўз ота-онасидан илк мерос қилиб бутун ирсий бойликларни кўтариб жаҳонга кириб келди. Биз унга нисбатан муомала шаклини танлар эканмиз, авваламбор билишимиз керакки, мурғак жоннинг имкониятлари, қобилиятлари қанча, нимада ва қай йўсинда нималарни қабул қила олади?

Одам боласи жонзотлар орасида илк даврда ҳаётга энг мосланмаган ҳолда дунёга келади. Баъзи жонзотлар туғилганидан ўз мустақил ҳаётини бошлай олса, инсон боласи қачон мустақил ҳаётни бошлайди, деган саволга жавоб беришнинг ўзи қийин ҳолдир. Гўдаклар туғилган пайтида 370-390 гр мия оғирлигига эга бўлиб, фақатгина ирсий ва туғма қобилиятлари билан бир-биридан фарқ қилади.

Ушбу жойда собиқ совет педагогикаси, психологияси ва айниқса фалсафасининг натижаси бўлмиш “ҳамма табиатан тенг туғилиб, тенг имкониятларга эга” деган ҳам фандан, ҳам амалиётдан узоқ фикрга чуқур тўхталиб ўтирмаймиз. Оллоҳ бизларни кенг маънода турли-туман қилиб яратди.

Гўдакнинг биргина мия оғирлик вазни 6 ойда икки баробарга ошади, уч ёшда уч баробар ошади. 9 ёшга бориб 1300-1400 гр.га етиб, катталарда пропорцияни олади ва бу тезкорлик секин-аста вазминлашиб боради-да, 24-25 ёшларга бориб умуман ҳар томонлама ўсишдан тўхтади.

Айни шу мурғак бола ҳар ҳаётдан ўта мукамал тирик жон бўлиб, у 5-7-10 кунлигида шартли рефлексларга эга бўла-

ди ва 15-16 кунга келиб шартли ҳимоя рефлексини намоён қилади.

Шунинг учун ҳам доно халқимиз етти кунлик гўдак етти отасини танийди, деб бекорга айтмайди.

Одатда оналар ўз боласига тикилиб, 5-7 кунлик боланинг кўзлари онасини, бутун дунёни кузатаётганларини қувонч билан қайд қилишади. Бу табиий ҳол ва биз катталар буни унутмаслигимиз керак, чунки одамзод умри бўйи 80 фоиз дунёвий маълумотни кўз — кўриш органи орқали олади. Шунинг учун ушбу ҳолат айниқса 1-3 ёшлик болалар тарбиясида ало-

маслигига қарамасдан унга ота-она меҳр-муҳаббат билан чиройли исм танлашади ва шу исм билан атай бошлайди. Айни шу ўринда инсон учун, унинг келгуси ҳаёти учун маънодор, оҳангдор, келгусида ушбу шахсга бевосита ўта мос тушадиган исм қўйиш ота-онанинг асосий бурчларидан бири. Бу ҳақда “Кобуснома” муаллифи “Эй фарзанд, агар сен бола кўрсанг унга яхши от қўйил, чунки отадаги фарзанд ҳақларидан бири яхши от қўйишдир”, дейди.

Айни шу ўринда ҳамюртларимизга умид билан яна шуни айтиб ўтмоқчимизки, бизда исмлар

акцияси, яъни муносабати руҳий таъсир омили саналади.

Бола бу пайтда секин-аста жисмоний ҳаракатга ўрганиб келар экан, унинг ҳаракат доирасини хавф-хатардан муҳофаза қилган ҳолда чеклаш керак. Айни шу даврда қанчалик, айниқса иккинчи ва учинчи йиллари ҳаракатдан чекланмас унинг руҳий эркинлиги шунчалик яхши ривожланади.

Боланинг ҳаракатларини муҳофаза қилиш ва чеклаш бошқа-бошқа ҳоллар эканлигини унутмаслигимиз лозим. Бу ҳолни оддий мисол билан тушунтирайлик. Бола ўрмалаб, ёки энди-

ёшлигида бармоқларини оғизларига солишни ёқтиришади. Уларда бу ҳол ирсий қобилиятлардан бири бўлиб, атроф-муҳитни синаб кўриб тажриба орттириш билан боғлиқдир. Шундай экан бунга қарши жазо чорасини қўллаб бўлмайди, бу фойдасиз. Демак, ҳар доим ота-она, боланинг атрофидаги ҳамма яқинлари унинг қўлларини оғзига солишига йўл қўймасликлари ва буни чидам билан тушунтириб беришлари зарур.

Болаликнинг бу даври ўз шахси учун энг кўп маълумот тўплайдиган давр ҳисобланади. Бола бу пайтда шу даражада кўп маълумот йиғадики, аммо уларнинг катта қисмини— нима учун бундай мумкин эмаслигини англаб етмайди. Ушбу тўпланган билимларнинг асосий қисми унинг бутун ҳаёти давомида ишлатилишига қарамасдан, уларнинг кўпчилиги шахснинг у ёки бу муаммога дуч келгунча ишлатилмай ётиши мумкин.

Аммо, шахс бирон ҳаётий ҳодисага дуч келар экан, унинг ушбу ҳаётий ҳодисани ечишида, ҳаракатида руҳшуносларнинг маълумотига кўра айнан болаликда олинган маълумот онг ости маълумоти сифатида асосий ролни ўйнай экан. Худди шундан келиб чиққан ҳолда, болага бу ёшда унинг хотирасида салбий таъсир қолдирадиган сўз, ҳаракат, таассурот, ҳолат ва бошқа маълумотлар қолдирмаслик керак.

Туғилгандан то уч ёшда олинган маълумотлар болада асосан пассив ҳолатда бўлади. Бола бу даврда олинган маълумотларнинг катта қисмини ишлатолмайди. Буни боланинг сўзларнинг маъносига бормасдан такрорлаши ва шунга ўхшаш ҳаракатларидан руҳшунослар тўлиқ аниқлагани, улар боланинг кейинги ҳаёт босқичида, 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган “бу нима-чилик” даврида фаол ишлатилади.

Махмуд йўлдошев,
руҳшунослик фанлари
номзоди

Odobnoma

БОЛАНИНГ МАЪЛУМОТ ТЎПЛАШ ДАВРИ

2-мақола

ҳида ўрин тутиши лозим. Улар ҳали сўз, муқофот, жазо тушунчаларидан жуда узоқ бўлишади. Шунинг учун биз ҳаммамиз онгимизнинг энг чуқур қаърида оналар айтган алла маънони эмас, унинг мусиқаси ва мунис меҳрибон оналаримизнинг биз учун куйлаётган қиёфасини бутун умримизда сақлаб қоламиз.

Шуни эътиборга оладиган бўлсак, гўдак ўз ўрнида ота-она томонидан бу даврда бутун атрофни ўз онгига сингдирувчи, фақат ўзига қабул қилувчи бир бўлгуси шахс сифатида қабул қилиниши керак. Она тилида айтилган аллау унга меҳр билан қўшилган исм орқали биз боланинг мурғак руҳини тарбиялаб бораемиз.

Ҳаммамизга маълум, гўдак туғилгандан оқ у ўз исмини тушунмаслиги, унга эътибор бер-

кўп вақтлар ўта арабийлашиб ва охири пайтларда секин-аста руслашиб бормоқда эди. Ҳар куни ва ҳар доим эшитилиб турадиган сўзлардан бўлиши исмлар инсон руҳига ўта қаттиқ таъсир қилишини унутмаслик керак. Шундай экан, ўз ўрнида арабийлашиш ҳам, руслашиш ҳам биз туркийларнинг миллий руҳимизга салбий таъсир қилиб келди, оҳангдор Элбоши, Элбой ва шунга ўхшаш исмлар камайиб кетди.

Бола гўдаклигида (биз шартли равишда туғилгандан 3 ёшгача даврни олмоқдамиз) бу ўта нозик, жисмоний ва руҳий жиҳатдан илк оёққа туриш даври бўлади.

Юқорида келтирилган маълумотлар боланинг жисмоний жиҳатдан оёққа туриш ҳолатини кўрсатса, унинг исмига илк ре-

гина босаётган ишончсиз қадамлари билан иссиқ чойнакнинг олдида бормоқда, биров болага борма деб бақирса, бошқа биров боланинг узатилган қўлига секингина уриб дакки беради, учинчи киши чойнакни боланинг қўлига теккизиб қўрқитиб қайтармоқчи бўлади. Мулоҳаза қилинса, бу учала усул ҳам болада ижобий таъсир кўрсатмайди. Ваҳоланки, боланинг ҳали сўзингиз-да, унга гапириб бу ишни қилмасликни айтиб, илож борица чойнакни бошқа томонга олишни ўйлаб кўрган маъқул.

Шунга ўхшаш бошқа ҳолларда ҳам болага сўз таъсири ўтказилиб, унда илож борица ижобий ҳаракатлар шакллантириб борилади.

Маълумки, баъзи болалар

Айни пайтда республикамиз иқтисодий-технологияларнинг кириб келиши, мамлакатимиз халқ ҳўжалиги барча тармоқларнинг глобаллашувида, мамлакатлараро тинчлик ва барқарорликнинг ўрнатилиши йўлида турли халқлар ва миллатларнинг ўзаро ҳамкорликда ҳаракат қилиши муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Яқинда бир гуруҳ ўзбекистонлик олимларнинг ана шу мақсадда Берлин шаҳрига қилган ижодий сафари таассуротларга бой бўлди. Олмониянинг Карл Дуйсберг жамғармаси томонидан ташкил этилган мазкур халқаро конференция “Касб-хунар таълимида таркибий ўзгариш” мавзусига бағишланиб, бош масала Европа, Шарқий ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида касб-хунар таълими соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилди. Унда Европа давлатлари, Туркия, Афғонистон, Покистон ва Эрон каби мамлакатлар билан бирга Ўзбекистондан ҳам касб-хунар таълими соҳаси мутахассис олимлари қатнашди.

Конференцияда олмониялик профессор, доктор Гани Гауси касб-хунар таълимидаги таркибий ўзгаришларни тарихий мисоллар асосида сўзлар экан, хусусан, Афғонистонда узоқ вақт мобайнида давом этаётган уруш нафақат Афғонистонликлар, балки ушбу минтақада истиқомат қилиб келаётган халқлар учун ҳам қанчалик ёмон оқибатларга олиб келаётганлиги, уни бартараф этишда халқаро ҳамжамият жалб этилиши зарурлигига тўхталди.

Мазкур соҳада 40 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган Германиянинг DSE ЦГБ халқаро ҳамкорлик жамғармаси вакили, доктор Райнхард Клозенинг маърузаси техноло-

ОЛМОН ЖАМҒАРМАСИ – ХАЛҚАРО ТАЪЛИМДА МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ

гик, иқтисодий, ижтимоий мажмуада зарур бўлган техникавий ҳамда касбий таълимни ривожлантириш ва яратишга қўйилаётган квалификация талаблар муаммосига қаратилди. Умрини Саудия Арабистони, Яман, Лотин Америкаси давлатлари ва Осиё мамлакатларида касб-хунар таълимини ривожлантириш ишларида бағишлаган доктор Клозе таълим, маданият, иқтисодий сиёсатни амалга ошириш, турли мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни жадаллаштириш, қашшоқликка қарши курашишда чуқур таркибий ўзгаришлар қилиш, ривожланиб келаётган мамлакатлар иқтисодий-ётиш даврида ўзаро ҳамкорликда тур-

Xalqaro hamkorlik

ли масалалар ечимининг ҳал қилинмай келаётганлигини ҳам муҳим муаммо сифатида қайд этди. Конференцияда уларнинг ечимини топиш учун касб-хунар таълимнинг умумий концепциясини яратиш, ривожланиб келаётган мамлакатларда касбий таълимни давлат дастури асосида амалга ошириш, меҳнат бозоридан самарали фойдаланиш йўллари кидириш, меҳнат бозори талабларини бажармасликка йўл қўймаслик, янгиликлар билан ўқитувчиларни таништириш кампаниясини энгиш учун инновацион ёндашув, касбий таълимда кучли назарияга асосланиб, амалиёт масаласига кам эътибор қаратилганлиги каби масалаларга эътиборни қара-

тиш лозимлиги таъкидланди. Бу муаммоларни ҳал қилишда DSE ЦГБ – Германия халқаро ҳамкорлик жамғармаси касб-хунар таълимида саноат (ишлаб чиқариш) билан мактаб (касб-хунар таълим муассасалари) ўртасидаги муаммоларни ҳамкорликда ҳал қилаётганлиги, касб-хунар таълими муассасаси кадрларни сифат жиҳатдан тайёрлашда масъуллиги, меҳнат бозорини ўрганишда саноат инновациясининг интеграция қилиб борилиши, ўқитишда ўқитувчиларни дидактик ва услубий таъминот билан жадал ва етарли таъминлаб бораётганлиги яхши натижа бераётгани аниқ мисоллар билан баён этилди. Хулоса

қилиб айтганда, халқаро конференцияда барча мамлакатларда меҳнат бозори ва таълим тизими ўртасида номуносивлик муаммоси борлиги, ана шу муаммоларни ечишда мазкур конференцияда қатнашаётган 5 та мамлакат мутахассис олимлари ўртасида яқиндан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилиши зарурлиги таъкидланди.

Европа таълим жамғармасининг халқаро эксперти Оливье Рамсейер ҳам касб-хунар таълими соҳасида халқаро ҳамкорлик алоқаларини шакллантиришда мазкур конференция сингари амалий тадбирларнинг аҳамияти катталиги хусусида сўз юритди.

Халқаро конференцияда қатнашчилар учта

гуруҳга бўлиниб, ўзаро фикр алмашдилар. Ҳар бир гуруҳда ўзбекистонлик мутахассислар ҳам фаол иштирок этишди. Улар хорижий ҳамкасблари олдида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашиб баробарида бугунги кунда Ўзбекистонда таълим ислоҳоти авж олиб, миллий кадрлар тайёрлаш жараёни янги таълим модели асосида амалга оширилаётганлиги, мазкур соҳада халқимиз эришиб келаётган муваффақиятлар ҳақида фахр билан сўзладилар. Шу билан бирга, бу тизимда айрим муаммоларнинг мавжудлиги, уларни ҳал қилишда халқаро ташкилотлар билан ҳам баҳамжиҳат ишлаш, яъни таълим тизимининг раванг топишда халқаро ҳамкорлик алоқаларининг ҳам ўта зарур эканлигини қайд этишди. Ўзбекистонлик олимларнинг бундай таклиф ва мулоҳазаларини чет эллик мутахассислар зўр қизиқиш билан қабул қилдилар.

Конференцияда таълим тизимида халқаро ҳамкорликнинг ўрнатилишида давлат ва жамиятнинг ўрни, бундай алоқалар ўрнатилган тақдирда айрим мамлакатлар тарихий аъёнларини ҳисобга олиш, ўзаро аҳборот алмашув, маълумотлар банки билан таъминлашни замонавий электрон почталари орқали амалга ошириш масалалари, минтақалар таълим тизимида кечаётган муайян ислоҳотлар тўғрисида янгиликларнинг доимий равишда етказиб турилиши ва бошқа масалалар доирасида келишиб олинди. Шундай қилиб, немис олимларининг таклифи билан Германиянинг Карл Дуйсберг жамғармаси ўзаро ҳамкорликда бўладиган мамлакатлар ўртасидаги минтақавий алоқани мувофиқлаштирувчи вазифасини ўтайдиган бўлди.

Абдувахоб ИКРОМОВ,
ЎМКХТ Ривожлантириш
институтининг ректори, профессор

21 oktyabr — "Davlat tili to'g'risida"gi qonun qabul qilingan kun



ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЎРГАНИШГА "МАРҲАМАТ"

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети Марказий Осиёга бегараз ёрдам Тошкент тараққиёт маркази билан ҳамкорликда "Марҳамат" китобини тайёрлади. "Ma'rifat-Madadkor" нашриётида нашрга тайёрланган ушбу китоб "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳасасида чоп қилинди.

"Марҳамат" кўлланимси ўзбек тилини чет тили сифатида ўрганиувчилар учун бошланғич босқичда йўл-йўриқ кўрсатувчи китобдир. Ўзбек тилида "марҳамат" сўзи кимнидир таклиф қилганда ёки ниманидир бермоқчи бўлганда ишлатилади. Шу каби, ушбу китоб турли хил ёшда бўлган, турли хил табақадан келиб чиққан чет элликларни ўзбек тилини ўрганишга тақлиф қилади. Тил ўрганиш жараёнининг бошланишда талабалар ўзбек тилини ўргана олишлари ва уни ҳар қуни ишлатишлари учун бу китобдан фойдаланишлари мумкин.

Бу китоб 5 йил давомида Ўзбекистон

Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги Тиллар Марказида 9 ёшдан 59 ёшгача бўлган талабаларга ўзбек тилини ўргатиш натижасида вуқуд қилинган.

Таърибалар шуни кўрсатадики, одамлар турли йўللар ва ҳар хил тезлик билан тилни ўзлаштириб олади.

Баъзи талабалар эшитган янги сўз ва жумлаларни тўлиқ тушуинмаса ҳам тезда ишлатади. Айримларига эса тилининг грамматик структураси ҳақида тушуинтирилмаса, ўргатилган янги сўз ва жумлаларни яхши ўзлаштирмайди.

Шу сабабли, ушбу китобда тилни ўргатишда маълум бир методдан эмас, балки турли хил методлардан фойдаланилади. Натижада тил ўрганиувчилар бу методлардан фойдаланиб, ўзбек тилини ишонч билан ўрганиладилар.

Ушбу кўлланма 5 та бобдан (илф) иборат. Ҳар бир боб алоҳида мавзу-

лардан ташкил топган. Бобнинг бошида шу бобнинг мақсади кўрсатиладган. Ушбу мақсадларга эришиш учун ҳар бир боб учта ёки тўртта бўлимларга бўлинган.

Биринчи бобдан ташқари, ҳар бир бўлим куйидагилардан таркиб топган:

1. Янги материалларни текст ёки диалог сифатида расмлар ёрдамида тақдим этиш.
2. Янги сўзлар ва сўз бирикмаларини берилган мугат.
3. Янги материалларни тушуинтириш.
4. Ўргатилган материалларни турли машқлар ёрдамида амалиётда қўллаш.

Ҳар бир боб охирида "Intermezzo" берилган. У кундалик ҳаётида ишлатилган диалог ва жумлалардан иборат. Бу диалогларни ёндаб ўзини сифатида машқ қилиш мумкин.

Ҳар бир боб ва шу бобларнинг турли бўлимлари ўтган дарсларга асосланади. Шундай қилиб, иккинчи боб жуда осон грамматик қоидалар билан бошланади ва унда янги сўзлар сонини кам бўлади. Кейинроқ эса грамматика аста-секин мураккаблашади ва янги сўзлар сонини кўпайди.

Хуллас, энгўзал тиллардан бирини ўрганиш иштиёқини тушулган бўлса, "Марҳамат"га марҳамат қилини!

Френсиз РОСЕК, Марказий Осиёга бегараз ёрдам Тошкент тараққиёт Маркази Тил таълими директори, Хусан НИШОНОВ, "Ma'rifat" мухбири

ЗАМОНАВИЙ ҚўЛЛАНМАННИНГ ҚўЛАЙЛИКЛАРИ

"Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилшида замон талабларига муносиб ўқув дарсликлари ва кўлланимлар яратиш алоҳида аҳамият касб этади. Чиндан ҳам шиддат билан ривожланаётган жаҳониятдаги туб ислохотларнинг асл мазмун ва моҳиятига етиб ҳар бир соҳада, шунингдек, илм-фаннинг ўзаги бўлган тилшуносликда ҳам унинг фундаментал асоси яратилмас экан, ҳар қандай қонун ҳам, дастур ҳам тўлиғича амалга ошмайди.

Шу сабабли бугун яратилаётган дарсликларга ва ўқув кўлланимларга қўйлаётган талаб ҳам, масъулият ва эҳтиёж ҳам ўзгача. Улар дунё юзини кўриб таълим истеъмолига киргунча қанақадан-қанча муҳокамалар, мунозаралар йўлини босиб ўтмоғи, ўзига муқобил дарсликлардан ҳар томонлама устун эканлигини исботламоғи лозим. Шу сабабли дарслик ва ўқув кўлланимлари яратиш учун республикамиз миқёсида бир қатор танловлар ўтказилмоқда. Шу йилнинг 17 августда "Маърифат" газетасида "Илминг энг яхши дарслиғи ва ўқув кўлланими муаллифи республика танловига келиб тушган адабиётлар рўйхати" эълон қилинди. Рўйхатда Жиззах давлат педагогика институтининг биринчи ректори ва узоқ йиллар унга раҳбарлик қилган хурматли устозимиз — профессор

Б.Уринбоевнинг "Ҳозирги ўзбек адабий тили" (Самарқанд — 2002 йил) ўқув кўлланимсининг ўрин олганни қувончи ҳодисадир.

Ўқув кўлланим Республика Олий таълим вазирилик ҳузуридаги Мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан алоҳида илмий ва амалий кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашда лингвистик атамаларнинг бир бутунлигини, дарслик ва ўқув дастурининг ўйналиши учун бакалаврлар тайёрлашда фандаги энг сўнгги янгиликларни ўзида муҷассамлаштирган адабиёт сифатида тасвир этилди. Бизнинг назаримизда кўлланимнинг бунчалик юқори баҳо олиши унинг уч муҳим асоси — илмий, педагогик ва амалий аҳамиятини дарслик ички мувофиқлиги билан боғлиқ.

Асарнинг илмий аҳамияти яна шу билан ҳам белгиланадики, муаллиф ўзи ёзганда: "Аънаввий тилшунослар лисоний бирикларнинг фақат шаклий томондан ўрганишга эътиборни қаратди. Тилни бундай ўрганиш бир ёқлама бўлиб, шаклини маънодан ажратиб бўлмади. Шакли ва мазмун томондан лисоний бирикларни тасвирлаш ҳам тилни тўлиқ изоҳлашга имкон бермайди. Лисоний бирикни контект, нуқт вазиёти билан боғлаб ўрганишгина уларнинг маъносини тўри тушунишда қатти имконият беради". Олим томонидан чиқарилган бундай хулосалар тилшунослик фанини

ақан, ўзи тушулмаган томонларни оидинлаштиришга ёки ушбу мавзунинг чуқурроқ ўрганишга эҳтиёж сезилиши мумкин. Мавзу билан боғлиқ адабиётларнинг берилиши талабадаги ана шу руҳий эҳтиёжни, илмий қанқоқликни қондиради.

Қўлланимда унчалик кўзга ташланмайдиган, лекин таълим учун жуда фойдали яна бир ўзига хос шаклий хусусият мавжуд. Ҳар бир мавзу режа асосида ўрганилиб, адабиётлар билан таништирилган, ана шу мавзунинг теҳизирув таҳлили берилди. Таҳлилда талабанин ушбу мавзунини қанчаллик ўзлаштиргани аниқланади. Бу таҳлил ушбу фанини ўрганаётган талаба учун ҳам, дарс ўтувчи профессор-ўқитувчилар учун ҳам амалий жиҳатдан ёрдам берувчи йўлланма бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, бугунги кунда ўзбек тилининг қўлланиш доираси кенгайиб, янги воқеаликлар ва тушунарларнинг пайдо бўлиши билан Мавзу сўнггида эса талабага ушбу мавзу юзасидан ўз билимини чуқурлаштириш имконини бера оладиган ва шу мавзу билан бевосита боғлиқ бўлган илмий ва педагогик адабиётлар рўйхати илова қилинган. Ҳар бир мавзуда режа ва адабиётларнинг илова қилиниши қўлланимга тузаловчан янгилик бўлиб ҳисобланади. Одатда адабиётлар умумий равишда китобнинг охирида бериларди. Ҳолбуки, талаба ҳар бир мавзунини ўрганар

САВОДХОНЛИК БАРЧАГА ЗАРУР

Кўпчи "оҳанрабо куй", "оҳанрабо рабат тортади" каби бирикмаларда "оҳанрабо" тарзида қўпол хатолликка йўл қўйиб ёзилади. Аслида, оҳанг форс-тожикча сўз бўлиб, куй, мусиқа маъноларини билдиради. Оҳанрабо эса айнан магнит, яъни ўзига тортувчи, жалб этувчи маъносини билдиради ва "Г"сиз ёзилиши тўғри ҳисобланади, чунки оҳанрабо "оҳанг" сўзидан олинмаган.

Баъзан ҳол ва хол сўзларини қўллашда услубий хатоларга йўл қўйилади. Аслида, ҳол — турмушда пайдо бўлган вазиёти, аҳвол. Масалан, ранг кўр — ҳол сўр. Шунингдек, ҳол — иккинчи даражали бўлак. Ҳол эса юз ёки баданга қора ёки бошқа рангдаги турли шаклдаги белги: юқоридаги холи ўзига ярашар эди.

Матбуот саҳифаларида кўпчилик олижаноб, олиҳиммат тарзида хато ёзилади. Фақат олий сифат, олий ҳол, олий ўқув юрти ва бошқалар сингари қўшма сўзларда олий сўзи сифат бўлиб қолади ва ажратиб ёзилади. Янги алифбода эса бу сўзларнинг ёзилиши бир хилликка келтирилган: олижаноб, олиҳиммат, олиймақом каби. Аммо ҳозирча "Имло лугати"да тасдиқлангани каби олиҳиммат, олижаноб тарзида ёзмоғимиз керак.

Она тилимиз шундай ажибки, баъзан бир ҳарфи ёки нуқта ташқи қолса ҳам, ортирилса ҳам маъно тубдан ўзгариб кетади: қатик-қаттик, шер-шёр, зирак-зийрак каби. Авваллари газета саҳифаларида ёки китобларда биргина имлоий вато учраса, чора



Ушбу суратдаги реклама кўрсаткичга эътибор беринг: ҳаммаси тушунарлиқ "Guzal" деганига тўшунмадик. Бу сўз қайси тилга тегишли: ўзбекчами, русчами ёки инглизча?!

Бурҳон РИЗОКУЛОВ олган сурат

кўрилар эди. Афсуски, ҳозир бундай хатоларни қўллаб учратиш мумкин.

Ушбу мақолада ҳозирги кунда қўллаб учраётган айрим имлоий хатолар ҳақида тўхталиб ўлик. Мақсадимиз танқид эмас, балки ўқиб ўрганишга ундашдир. Маҳмад ЗОИРҲОН қизи

ЎЗБЕКОНА ЛУТФИНГИЗ, ЎЗЛИГИНГИЗ МУБОРАК

Ассалому алайкум, эй нури зиёларим, Алпомииш, Барчинойу, Рустами достонларим. Юртимнинг келажяги, эй бағри осмонларим, Давраларда ўзбекча сўзлингиз муборак. Ўзбекона лутфингиз, ўзлигингиз муборак. Мен сизнинг фариштадек онангиз алласиман, Карнай-сурнай, ногора, ҳофизингиз яласиман. Мен оталар пандию оналарнинг дуоси, Мен ҳам сиздек шу юртингиз гавҳари донасиман. Оллоҳнинг дилингизга солган қўшигиман мен, Шу юртга фидоларнинг шайдо ошигиман мен. Яхшилик-ла элларнинг қалбини асир этган, Мард, шердид инсонларнинг буюк бешигиман мен. Қошғарий, Югнакийман, Хос Ҳожиб, Ясавийман, Лутфингиз ширин лутфи, Навоий навосиман. Бобурдайин шохларни шоир этган забонман, Машираб, Муқимий, Фурқат, Нодира давронман. Мен жаҳонғари Темирнинг ўтмигиз забонидурман, Бегурнийнинг илмигиз талпинган жонидурман, Улуғбек, Али Қушчи ушлаган қаламдурман. Қодирий қаламидан тўкилган аламдурман, Келажяги буюк юрт Ўзбекистон, сизиники, Соғлом авлод ўзингиз, гўзал бўстон сизиники. Учингиз Орзу отида соҳибкамол бўлингиз, Келажяк сари боринг, жумла жаҳон сизиники.

Сайёра СОЛИЕВА, Изобскан туманидаги 19-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Ушбу мақолада ҳозирги кунда қўллаб учраётган айрим имлоий хатолар ҳақида тўхталиб ўлик. Мақсадимиз танқид эмас, балки ўқиб ўрганишга ундашдир. Маҳмад ЗОИРҲОН қизи

кўрилар эди. Афсуски, ҳозир бундай хатоларни қўллаб учратиш мумкин.

Ушбу мақолада ҳозирги кунда қўллаб учраётган айрим имлоий хатолар ҳақида тўхталиб ўлик. Мақсадимиз танқид эмас, балки ўқиб ўрганишга ундашдир. Маҳмад ЗОИРҲОН қизи

Ушбу мақолада ҳозирги кунда қўллаб учраётган айрим имлоий хатолар ҳақида тўхталиб ўлик. Мақсадимиз танқид эмас, балки ўқиб ўрганишга ундашдир. Маҳмад ЗОИРҲОН қизи

Ушбу мақолада ҳозирги кунда қўллаб учраётган айрим имлоий хатолар ҳақида тўхталиб ўлик. Мақсадимиз танқид эмас, балки ўқиб ўрганишга ундашдир. Маҳмад ЗОИРҲОН қизи

Ушбу мақолада ҳозирги кунда қўллаб учраётган айрим имлоий хатолар ҳақида тўхталиб ўлик. Мақсадимиз танқид эмас, балки ўқиб ўрганишга ундашдир. Маҳмад ЗОИРҲОН қизи

Ушбу мақолада ҳозирги кунда қўллаб учраётган айрим имлоий хатолар ҳақида тўхталиб ўлик. Мақсадимиз танқид эмас, балки ўқиб ўрганишга ундашдир. Маҳмад ЗОИРҲОН қизи

Ушбу мақолада ҳозирги кунда қўллаб учраётган айрим имлоий хатолар ҳақида тўхталиб ўлик. Мақсадимиз танқид эмас, балки ўқиб ўрганишга ундашдир. Маҳмад ЗОИРҲОН қизи

"ДАДАШКА"МНИНГ ДАККИСИ

Ушбу мақолада ҳозирги кунда қўллаб учраётган айрим имлоий хатолар ҳақида тўхталиб ўлик. Мақсадимиз танқид эмас, балки ўқиб ўрганишга ундашдир. Маҳмад ЗОИРҲОН қизи

Ушбу мақолада ҳозирги кунда қўллаб учраётган айрим имлоий хатолар ҳақида тўхталиб ўлик. Мақсадимиз танқид эмас, балки ўқиб ўрганишга ундашдир. Маҳмад ЗОИРҲОН қизи


Ушбу мақолада ҳозирги кунда қўллаб учраётган айрим имлоий хатолар ҳақида тўхталиб ўлик. Мақсадимиз танқид эмас, балки ўқиб ўрганишга ундашдир. Маҳмад ЗОИРҲОН қизи

Ушбу мақолада ҳозирги кунда қўллаб учраётган айрим имлоий хатолар ҳақида тўхталиб ўлик. Мақсадимиз танқид эмас, балки ўқиб ўрганишга ундашдир. Маҳмад ЗОИРҲОН қизи

“Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури таълим тизимининг демократик жараёнлар ва бозор ислохотларига мувофиқлашувини таъминлайди. Бугун миллий хунармандчиликни ривожлантириш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбек миллий хунармандчилиги ўзининг нозик тамойилларига эга. Бунга кўра ҳар бир шоғирд касб ёки хунар ўрганишда устознинг илмидан ва бой тажрибасидан омилкорлик билан фойдаланиши лозим. Шу боис ҳам, асрлар оша ижтимоий тараққиётга ҳисса қўшиб келаётган бу соҳа ижодкорларининг билим ва тажрибаси авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Маълумки, ўзбек халқи азалдан ўзининг миллий кийими, амалий санъати ва миллий хунармандчилик тарихи билан оламга машҳурдир. Бинобарин, республикамизнинг Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва бошқа вилоятларида ўзига хос миллий хунармандчилик мактаблари мавжуд. Шу тўғрисида турли ҳудудларда либослар тикилиши, унинг ранги, зардўзлик санъати, ҳаттоки, ганчкорлик ва ёғоч ўймакорлигида ўзига хосликлар кузатилади. Шунинг учун ҳам хунармандчилик маҳсулотларида миллийликдан ташқари ҳудудий менталитет ҳам акс этиб туради. Буни Каттақўрғон шаҳридаги қурилиш ва миллий хунармандчилик лицейининг мутахассис кадрлари ва талабалари тайёрлаётган маҳсулотларда ҳам илгаш мумкин.

Билим масканида 23 нафар

педагог, 12 нафар муҳандис-уста меҳнат қилмоқда. Уларнинг 2 нафари олий, 16 нафари биринчи, 5 нафари иккинчи тоифали ўқитувчилардир. 20 та фан кабинетлари янги техник воситалар ва жиҳозлар билан таъминланган. Бундан ташқари, ҳар бир ўқувчининг билим даражаси рейтинг тизими бўйича олган бали, махсус тўғарақлардаги фаоллиги, ижодий фаолияти натижаларига қараб баҳоланади. Ўқув режасига биноан ўқитувчи ёки уста томонидан машгулотларнинг юксак савияда ташкил



янги босқич сари тараққий этиши муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш ўринлики, миллий хунармандчилигимиз жонкуярлари бунёдкорлик жараёнида умумбашарий кадриятларга таяниб, ёшлар дунёқарашини миллий истиқлол руҳида шакллантириб, Ватанга муносиб фарзанд бўлиши йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Аждодларимиз меросини қайта жонлантириш машаққатли иш бўлса-да, иродали педагог-устозларимиз касб-хунар сирларини ёшлар онгига чуқур сингдиришда ус-

масканизмни тугатган 157 нафар ёш мутахассис кадрларнинг 25 таси сувоқчи-ганчкор, 20 таси безакчи-наққош, 34 нафари устки кийим тикувчиси, 14 нафари тикувчи-зардўз, 27 нафари телерадио устаси, 17 нафари ёғоч ўймакори, 20 нафари дурадгор-мебелсоз мутахассисликларини эгаллаб мустақил ҳаётда ўз ўрнини топиб, юртимиз манфаати йўлида меҳнат қилмоқдалар. Бу ерда 8 та устахона мавжуд бўлиб, ўқувчилар ўз малака ва кўникмасини ушбу амалиёт масканида ўтайдилар. Бундан ташқари, ўқувчилар ишлаб чиқариш амалиётини ўташлари учун Каттақўрғон шаҳридаги “Хикматобод” хусусий фирмаси ҳамда 150-қурилиш трести билан шартнома тузилган. Бугунги кунда юзлаб умидли ёшлар ўз истеъдодларини намоён этаётганлиги қувонарли ҳол, албатта. Жумладан, ёғоч ўймакорлиги бўйича Д.Тошматов, устки кийим тикувчиси Ф.Шарафиддинова, сувоқчи-ганчкор А.Тўраев, тикувчи-зардўз А.Асадовларнинг иқтидорига таҳсинлар айтсанг арзийди.

Бир сўз билан айтганда, бугун Ватан довруғини дунёга таратаётган оловқалб ёшларга ҳаётий масалаларни ечишда билим ва касб ўргатаётган фидойи инсонлар бор экан, миллий хунармандчилигимизнинг эртанги келажаги ёрқин, ютуқлари ранг-баранг ва бой бўлаверади.

Зоир АБДУГАНИЕВ,
Каттақўрғон шаҳар қурилиш ва миллий хунармандчилик лицейи директори

НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ ЎЙФУНЛАШГАНДА

этилишига эришилаётгани — ўқувчиларни мустақил фикрлаш ва дарс мавзусини идрок этиш бўйича фаоллигини оширишга сабаб бўлмоқда. Айтиш жоизки, машгулотларнинг назариядан амалиёт сари сингиб кетиши таъминланиб, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётида юқори технологиялардан самарали фойдаланаётганликлари ҳам манфаатли бўлмоқда. Улар замонавий асбоб-ускуналардан самарали фойдаланган ҳолда халқ хўжалиги ва миллий хунармандчилик маҳсулотлари

тайёрлашга эришмоқдалар. Жумладан, 2001-2002 ўқув йилида ўқувчилар томонидан 500 минг сўмлик тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлиб, шундан 250 минг сўми ички бозорда ўз харидорини топди.

Бугунги кунда миллий хунармандчилик тизими олдида жуда кўп вазибалар турибди. Миллатимиз манфаати йўлида миллий давлатчилигимиз шаклланаётган, кенг қамровли ислохотлар амалга оширилаётган бир пайтда, миллий хунармандчиликнинг

тозлар аънарасига содиқ қолиб, фаолият юритиб, ҳурмат ва иззатга сазовор бўлишмоқда. Улардан бадиий ўймакорлик бўйича махсус фан ўқитувчиси Ф.Набиев, дурадгорлик фани бўйича С.Қобилов, устки кийимлар тикиш фани бўйича Ш.Пўлатова, Н.Хайитова, математика фани ўқитувчиси Д.Қодировларнинг ўқувчилар билан ҳамкорлиги, меҳрибонлиги таълим мазмунига юқори таъсир кўрсатмоқда, дейиш мумкин.

Дарҳақиқат, 2001-2002 ўқув йилида таълим

Ta'lim muassasalarida

ИЗЛАНИШ ИМКОН ЯРАТАДИ

Истиқлол йилларида халқимиз ҳаётида катта ўзгаришлар ва янгилашнилар юзага келди. Фарзандларимиз қалбида эзгулик ва саодат ёғдуси барқ ураётганлиги — уларнинг касб-хунар сирларини пухта ўрганишга булган қизиқишларининг кучаяётганлигида ҳам кўриш мумкин. Ўқув масканимизда таҳсил олаётган ўқувчиларга ўз касбига қизиқувчан, талабчан мурабийлар фаннинг нозик қирраларини ургатиш бўйича дарсдан ташқари махсус тўғарақларда мазмунли машгулотлар олиб боришади. Миллий хунармандчилик соҳаси бўйича лицейимизнинг гултожлари ҳисобланмиш Х.Бозорова, Г.Шаропова зардўзлик, М.Мирзаев, У.Назаров бадиий ўймакорлик, З.Абдуллаева, З.Тогаевалар тикувчилик бўйича замонавий ҳамда қадимий ноёб услубларни ўз устозлари ёрдамида пухта ўзлаштириб олганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Таълим масканимиз кутубхона жамгармасида 9208 номда ижтимоий-сиёсий, бадиий ва услубий-методик адабиётлар мавжуддир. Ўқув биносининг ҳар бир фан кабинетлари, спорт зали, маънавият ва маърифат хонаси миллий кадриятларимизни тараннум этадиган эзгу шиорлар билан жиҳозланган. Шунингдек, ўқувчиларимиз касбий фанларга оид китоблар ҳамда газета-журналлар билан мустақил шуғулланиш имкониятига ҳам эгадирлар. Улар қалбида эзгу фазилатларни уйғотиш мақсадида турли мавзуларда тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашувлар, мулоқотлар мунтазам ўтказиб турилади. Жумладан, “Сиз қонунни биласизми?”, “Ёшлар сизда қандай гоя бор?”, “СПИД — бедаво ка-

саллик“ каби тадбирлар, “Ўзбегим уғлонлари“ спорт мусобақаси шулар жумласидандир.

Қарияларни кадрлаш йили муносабати билан лицей қошида “Савоб“ гуруҳи тузилиб, ёлғиз, шароити оғир қарияларга ўқувчилар томонидан ёрдам кўрсатиляпти. Шунингдек, қизлар уртасида шарқона одоб-ахлоқ меъёрларини тарғиб этувчи “Ораста“ гуруҳи ҳам ташкил этилган. “Хусн уйда, ақл кунда керак“ номли қизларнинг деворий газетаси ҳам уларнинг лицей

Дарҳақиқат, миллий хунармандчилик халқимизнинг турмуш тарзига сингиб кетган мураккаб жараён. У муттасил ривож топаётган миллий кадриятларимизнинг нозик бир бўлаги бўлиб, юртимиз тараққиёти ва ёшларнинг фаровон келажаги учун жуда зарур. Бу соҳанинг ўзига хос томонларидан бири — ўқувчига мустақил фикр юритмагунча ун-

ўзгарувчанликнинг нозик томонларини ўқувчи онгли равишда тушуниб етмас экан, бунёдкорлик ишларидаги рақобатга бардош бера олмайди. Шу боис, ўқувчиларимизнинг айнан келажакка интилиб қунт билан хунар сирларини ўрганишларига эътибор қаратганмиз. Жумладан, ҳар бир ўқувчи курс ва диплом иши мавзуси юзасидан аҳолининг талаб ва эҳтиёжи, қизиқишлари бўйи-

ДИПЛОМ ИШИ ИЖТИМОЙ СЎРОВГА АСОСЛАНАДИ



бағрида мазмунли турмуш тарзини таъмин этиб, ҳар ойда бир марта чиқиши тарбиявий аҳамиятга эга бўлмоқда.

И.ТЕШАЕВА,
Маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари

дан келгусида яхши уста чиқмаслигини аниқлашдадир. Иккинчи бир нозик томони шундаки, устки кийимлар модаси, қурилиш ишларига бўлган қизиқишнинг, талабнинг доимо ўзгариб туришидадир. Хунармандчиликдаги бу

ча ўзлари яшаётган ҳудудларда сўровлар олиб боришади. Тўғри, бу бироз изланиш ва меҳнат талаб қиладиган жараён. Бу ўқувчи-шоғирд учун миқознинг фикрини инобатга олиб, уни қадрлаб мустақил равишда ўзининг кичик бир кашфиётини яратиш устида қадам ташлаётганлигидан дарак беради.

“Яхши шоғирд устоздан ўтади”, — дейди доно халқимиз. Аммо ҳамма шоғирдга ҳам бундай маваффақият насиб этавермайди. Зеро, ким теран фикр юритса, албатта, у устоз даражасига етиб боради. Билим масканимизда меҳнат қиладиган педагог усталаримиз бу мезондан омилкорлик билан фойдаланишмоқда. Жумладан, лицей қошида фаолият кўрсатаётган маркетинг хизмати бўлими миқозларнинг буюртмаси, уларнинг хом ашёси асосида “зардўзлик”, “бадиий ўймакорлик”, “ганчкорлик”, “устки либослар” тайёрлашни йўлга қўйган.

К.ШАМСИЕВА,
Ўқув ишлари бўйича катта методист



Hazrat Navoiy davrida shoiru shuaro orasida mashhur bo'lgan nafis majlislar bugun yosh avlod orasida davom etmoqda. Mana shunday go'zal majlislardan biri poytaxtimizdagi respublika Nafis san'at maktabida bo'lib o'tdi. Bu, Xalq ta'limi vazirligi hamda Yozuvchilar uyushmasi tomonidan har yili an'anaviy tarzda uyushtirilayotgan "Nafosat" respublika

NAFIS MAJLISLAR

yosh qalamkashlari anjumanidir.

Unda respublikamizning turli viloyat va tumanlaridan yosh, iste'dodli qalamkashlar ishtirok etadilar.

Anjuman

Yurtning yetakchi shoirlari ular ijodiga baho beradilar.

Nafis san'at maktabida bo'lib o'tgan navbatdagi mushoira ham ajib ko'tarinkilik bilan o'tdi.

Unda shoirlar Normurod

Narzullayev, Ikrom Otamurod, Sirojiddin Sayyid, Xalq ta'limi vazirligi Ma'naviy va ma'rifiy ishlar boshqarmasi boshlig'i J.Fozilov, "Sinf-dosh" jurnali bosh muharriri Aziz Said, "G'uncha" jurnali bosh muharriri Yo.Rahimova va boshqalar ishtirok etdilar.

Yosh qalamkashlar o'z she'rlari bilan yig'ilganlar qalbida hayrat uyg'otish bilan birgalikda go'zal taassurotlar ham qoldira olishdi. Mushoira so'ngida o'z taassurotlari bilan o'rtoqlashgan shoir Ikrom Otamurod:

— Vatan haqida so'z aytishdan oldin bu so'zning mohiyatini, mas'uliyatini his eta bilish lozim. Yo'qsa, bu so'zning oxori ketadi. Nazarimda, she'riyatimizning yosh avlodlari so'z ma'nosini chuqur ilg'ashar ekan, — deya o'z mamnunligini izhor etdi.

Anjuman so'ngida mushoira ishtirokchilari Xalq ta'limi vazirligi tomonidan sovg'alar bilan taqdirlandi.

Quyida anjuman ishtirokchilari bo'lgan yosh qalamkashlar ijodidan namunalar berilmoqda. O'yaymizki, murg'ak qablardan qog'ozlarga ko'chgan beg'ubor, beg'araz, soddadil so'zlar Sizing qalbingizda ham katta taassurot qoldiradi.

TO'RTLIK

Vatan-chun jon ketsa gar,
Qalbdan armon begona,
Vatan uchun o'lsam gar,
Ajali ham menga ona.

Halovat ISMATOVA,
Peshku tumanidagi 28-o'rta maktab
o'quvchisi

VATAN

Sen uchun jonimdan
kechayin mayli,
Mayliga kechayin
sevgimdan hatto.
Menga bergan halol
noning tufayli,
Sendan kecholmayman,
Vatanim aslo!

Yovlar pora-pora etsa yuragim,
Bir siqim tuprog'ing
yaramga davo,
Senda kamol topgan
orzu-tilagim,
Sira kecholmayman,
Vatanim aslo!

Gar senga qilgudek
bo'lsam xiyonat,
Xalqim qarg'ishiga
bo'lay mubtalo.
Umrimdan kechsam
ham tortmam xijolat,
Sendan kecholmayman,
Vatanim aslo!
Mahzunabonu NE'MATULLAYEVA,
To'raqo'rg'on tumanidagi 33-o'rta
maktab 11-"A" sinf o'quvchisi

MEN HAM HALI ERKAMAN

Dadam ishdan keliboq,
Singlimni o'pib qo'yar.
Singlim-chi shu ondayok
Menga bir qarab qo'yar.

Ko'rdingmi, der, shunda u
Pirpiratib ko'zini.
Dadam yaxshi ko'radi,
Mendek erka qizini.

Nima qila qoladi,
Meni ham o'pib qo'ysa,
Hali erkalgimni
Singlim ham bilib qo'ysa.

Dilobar MIRSOATOVA,
M.Ulug'bek tumanidagi
187-maktabning 6-"D" sinf o'quvchisi

MADH

Ko'kni kitobimga doston qilayin
Ta'rifiing aylabon sen uchun, Vatan!
Yurakdan senga bir ash'or bitayin,
Ko'zimning nurisan men uchun Vatan.
Men o'zbek qiziman
dilimda g'urur —

Hayotda berilgan buyuk baxt uchun.
Shukrona aytaman yuzlarimda nur —
Elimga berilgan buyuk baxt uchun.
Tarixing muzlagan edi tuproqda,
Bugun begonadir g'aflat uyqusi.
Endi o'savergin gullagan bog'da,

Butun dunyo ko'rsin o'zbekning yuzin.
